

*А. Мансуров, У. Жұраев,
М. Лафасов*

ҲАДИС ИЛМИ САБОҚЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

*А.Мансуров, У.Жўраев,
М.Лафасов*

ҲАДИС ИЛМИ САБОҚЛАРИ

Умум таълим ва янги турдаги мактаблар
ўқувчилари учун ўқув қўлланмаси



ТОШКЕНТ
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1999

У 55

86.38

III 24

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази нашр этишга тавсия қилган

Тақризчилар:

*Ҳ. С. КАРОМАТОВ, филология фанлари доктори, профессор.
И. ТЎХТАШЕВ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-
хунар таълими маркази етакчи мутахассиси.
Д. М. ОЧИЛОВА, Бўка туманидаги 8-ўрта мактаб директори, халқ
таълими аълочиси.*

Масъул муҳаррир: ЗУҲРИДДИН ҲУСНИДДИНОВ
Нашр учун масъул: Н.С. САИДЖОНОВ

Жўраев У. ва бошқ.

Ҳадис илми сабоқлари: Умумий таълим ва янги турдаги мактаблар ўқувчилари учун ўқув қўлл. (У.Жўраев, А Мансуров М.Лафасов;) Масъул муҳаррир З.Ҳусниддинов). -Т.:Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр. 1999-64.

Сарл.олдида:Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази. 1.;1,2Автордош.

"Ҳадис илми сабоқлари" - ҳадисларнинг яратилиш тарихи. Ўрта Осиё ҳадисчилик мактаби намояндалари ва уларнинг асарлари, ҳадисларда олдинга сурилган юксак ғоялар ҳақида ўрта мактаблар ва бошқа ўрта махсус билим юртлари ўқувчилари учун дастлабки тушунчаларни беради. Ватан ва ота-она муқаддаслиги, қўни-қўшнилар ва бошқа диндаги кишилар билан инсоний муносабатлар мавзуларидаги ҳадислар танлаб берилган.

86.38 +74.200.53

Ж-М.-Л $\frac{0103000000 - 33}{М 352 (04) - 99}$ -режага қўшимча, 99

ISBN 5-635-01749-5

© У. Жўраев, А. Мансуров, М. Лафасов.
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999 йил.

КИРИШ

"Ҳадис илми сабоқлари" курсининг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов бундай деган эдилар: "Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур...

16 февралдаги фожиали воқеаларнинг иштирокчилари асосан ёшлар экани бизни айниқса ташвишлантиради. Бизнинг беғам, лоқайдлигимиз, ишимиздаги камчиликлар оқибатида улар жиноий гуруҳлар, экстремистлар таъсирига, диний мутаассиблар таъсирига тушиб қолган". (И.А. Каримов. "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда". Т. "Ўзбекистон" 1999 йил. 24-бет).

И.А. Каримов айти пайтда қуйидагиларни ҳам таъкидлаганлар: "Бизнинг тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доираларда қолиб кетяпти, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб боролмаяпти, тажрибасиз, ғўр, билими, дунёқараши чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти. Натижада улар бизга ёт бўлган ташқи таъсирларга, бузғунчи гояларга кўр-кўрона берилиб, ҳатто ўз ота-онасига, халқи ва Ватанига қўл кўтарувчи ёвуз қотилларга айланмоқда." (И.А. Каримов. "Ҳушёрликка даъват", "Маърифат" газетаси, 1999 йил, 24-сони).

Бундай ачинарли ҳолатнинг юз беришида Республика-мизнинг ҳеч қайси давлат органи, жамоат ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари ўзига яраша айбдор эканлигини инкор эта олмайдилар.

Диний ақидапарастлик хавфига қарши кураш масаласи, айниқса, таълим-тарбия муассасалари, хусусан, умумтаълим мактабларининг ҳам ўта масъулиятли вазифасидир.

И.А. Каримов таълим-тарбия муассасаларининг бу борадаги масъулиятлари хусусида куюнчақлик билан бундай деб

ёзганлар: "... Таълим-тарбия даргоҳларининг тарбиячилари, ўқитувчилари Ўзбекистонга бўлган хавф ва таҳдидларни тўғри таҳлил қилиб, болаларимиз тақдири учун биринчи навбатда ёниб ҳаракат қилиши, болаларимизни бундай ёвуз хавфдан ҳимоя қилишлари керак. Тарбиячилар, олимлар, домлалар томошабин бўлиб ўтирмаслиги лозим. Фарзандларимизни ким тўғри йўлга солади, ким уларнинг онгини тозалайди, ким уларга ҳақ гапларни гапириб, ҳаётда ўз эътиқодига суяниб яшашни ўргатади, тарбиялайди. Ёшларнинг тўғри йўл танлашида ким биринчи бўлиб ёрдам бериши керак, уларга ким таянч бўлиши лозим?" Ҳа, Республикаимизнинг кўп сонли ўқитувчилари, тарбиячилари олдида ана шундай долзарб муаммони амалда бажариш вазифаси турибди. Бу вазифани бажаришда умумтаълим мактаблари асосий роль ўйнайди.

Мактабларимиз бу вазифани турли-туман усуллар, воситалар ёрдамида амалда бажариш имконига эга.

Уларнинг ичида тарих фани ҳамда унинг таркибида ўқитилаётган "Дунё динлари тарихи" предмети алоҳида ўриб эгаллайди. Бугунги ҳаёт "Дунё динлари тарихи"ни ўқитиш сифатини тубдан яхшилашни талаб этаётир. Иккинчидан, бугунги ҳаёт, айти пайтда кун тартибига "Ҳадис илми сабоқлари" курсини ўқитиш вазифасини ҳам қўймоқда. Хўш, нега?

Биринчидан, ҳадис фақат диний манбаъгина эмас. У айти пайтда умуминсоний қадриятга айланган юксак ахлоқий фазилатлар мажмуаси ҳамдир. Бу ахлоқий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган инсон боласи ҳеч қачон ўз отонасига қўл кўтармайди, ўзининг қабиҳ ниятларини амалга ошириш йўлида уларнинг қотилига айланмайди. Аксинча, улар "Ота-она рози, худо рози" тамойилига амал қилиб яшайдиган бўладилар.

Ўз Ватанларига хиёнат қилмайдилар, узгалаф садақаси эвазига Ватан сотқинига айланмайдилар. Бинобарин, улар ўзларини диний ақидапарастлар таъсиридан ҳимоя қила оладиган бўладилар. Кўрамизки, ҳадислар диний ақидапарастликка қарши курашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. "Дунё динлари тарихи" предмети ўқувчиларни гарчанд ҳадислар билан таништирса-да, уларнинг тарбиявий аҳамиятини тўла очиб бериш борасидаги имконияти чекланган. Чунки бу предметнинг вазифаси ўқувчиларга фақат ҳадис ҳақида билим беришдангина иборат эмас.

Маълумки, ҳадис илмида ватандошимиз Имом ал-Бу-

хорий алоҳида нуфузга эга буюк зот. Буюк бобокалонимизнинг тўплаган ҳадислари Қуръони Каримдан кейинги иккинчи манбаъ эканлиги Ислом оламида тан олинган ва буюк алломанинг набиралари эканлигимиз билан бизлар ҳақли равишда фахрланмоғимиз лозим.

Юртбошимиз И.А. Каримов Имом ал-Бухорийдек улуғларимиз хотирасини улуғлашда ташаббус ҳамда шахсан намуна курси тиб келмоқдалар. Мана биргина мисол: 1992 йилда И.А. Каримов Саудия Арабистони давлати подшоҳининг таклифи билан бу давлатга расмий ташриф билан борган эдилар. Подшоҳ ҳазратлари Юртбошимизга эҳтиром рамзи сифатида Каъбатуллоҳнинг устига ёпиладиган Кисва, яъни Каъбапушнинг бир парчасини совға қилганлар. Юртбошимиз эса мамлакатимизга қайтгач, бу Кисва парчасини Имом ал-Бухорий масжидига совға қилганлар. Бу—Юртбошимизнинг буюк муҳаддис бобокалонимиз Имом ал-Бухорий хотирасига бўлган юксак эҳтироми белгиси эди.

Ватаннинг улуғларини улуғлаган, уларнинг пок номларини асрлар оша яшашига хизмат қиладиган инсоннинг ўзи ҳам келгуси авлод томонидан улуғланишига шубҳа йўқ.

Ўқитувчилар ушбу ўқув қўлланмаси воситасида ўқувчиларимизга ҳадисларнинг инсонларда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришдаги беқиёс моҳиятини очиб беришга даъват қилинадилар ва ўқувчиларни ана шундай фазилат эгаси бўлишга чақирадилар.

"Ҳадис илми сабоқлари" курсининг асосий мақсади — ёшларни ватанпарвар, ахлоқ-одобли, илм ва маърифатпарвар, пировардида комил инсон қилиб тарбиялаш ишига ҳисса қўшишдан иборат. Ҳадис илмидан ҳаққоний билим бериш, олинган билимларни эса турмушда қўллашга ўргатиш — бош вазифадир.

Мазкур курс 12 соатга мўлжалланган бўлиб, уни ўқитиш тартиби Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган.

"ҲАДИС ИЛМИ САБОҚЛАРИ" КУРСИНИНГ ЎҚУВ РЕЖАСИ

Машғулот мавзуси	соятлар
1-дарс. Кириш ("Ҳадис илми сабоқлари" курсининг мақсади ва вазифалари	1
2-дарс. Ҳадисларнинг яратилиши ва тарбиявий аҳамияти	1
3-дарс. Ўрта Осиё ҳадисшунослик мактаби	1
4-дарс. Ватандошларимиз—буюк муҳаддис алломалар.	1
5-дарс. Ватанни севмоқ иймондандир.	1
6-дарс. Ота-она кўнглини огритмоқ энг катта гуноҳдир.	1
7-дарс. Оила муқаддасдир.	1
8-дарс. Ҳадиси шариф одамийлик ҳақида.	1
9-дарс. Дўстлик ва дўстларга садоқат ҳақида.	1
10-дарс. Ҳалол яшамоқ иймондандир.	1
11-дарс. Шарм-ҳаё инсон кўркидир.	1
12-дарс. Илмга интилмоқ фарздир.	1
Жами:	12

"ҲАДИС ИЛМИ САБОҚЛАРИ" КУРСИНИ УМУМТАЪЛИМ ВА ЯНГИ ТУРДАГИ МАКТАБЛАРДА ЎРГАНИШ БЎЙИЧА

ДАСТУР

1-дарс. Кириш "Ҳадис илми сабоқлари" курсининг мақсад ва вазифалари.

Ҳозирги даврда мустақиллик шарофати туфайли эркимизнинг, тилимизнинг, динимизнинг қайтиши. Президентимиз И. Каримов тарбия масалалари туғрисида. Тарбияда "Тарих", "Динлар тарихи" фанларининг роли. "Ҳадис илми сабоқлари" курсининг зарурлиги. Бу курснинг режаси ва ўрганиш манбалари.

2-дарс. Ҳадисларнинг яратилиши ва тарбиявий аҳамияти
Ҳадис илмининг тарихидан лавҳалар. Ҳадисларнинг туپланиши ва тартибга солиниши. "Ҳадис илми сабоқлари" курсининг тарбиявий аҳамияти.

3-дарс. Ўрта Осиё ҳадисшунослик мактаби
Ҳадисларнинг туپланиши ва уларнинг гуруҳларга ажратилиши. Ўрта Осиё ҳадисшунослик мактаби ва унинг вакиллари. Имом ал-Бухорий, Муслим ан-Нишопурий, Абу Довуд Сулаймон, Абу Исо ат-Термизий, Имом Насоий, Имом ибни Можжа.

4-дарс. Ватандошларимиз – буюк муҳаллис алломалар
Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди. "Ал-Адаб ал-Муфрад" асари ва унинг аҳамияти.

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий ҳаёти ва ижоди. Ат-Термизий ҳадислари.

Мустақиллик йилларида улуғ аждодларимиз хотираларининг улуғланиши.

Ватан нима? Улуғ зотлар, сиймолар Ватан
Ҳадисларнинг инсонларни ватанпарварлик руҳида тарбия-
лашдаги аҳамияти.

6-дарс. Ота-она кўнглини оғритмоқ энг катта гуноҳдир

Ота-онани улуғламоқ ҳам қарз, ҳам фарздир. Ота-онанинг
фарзанд олдидаги, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари.
Бугунги кунда ота-она ва фарзандлар муносабатларининг
баъзи муаммолари.

7-дарс. Оила муқалласдир

Оила қурмоқлик гузал ҳаёт оstonасидир. Оиланинг муқад-
даслигини сақлаш бурчи. Оила аъзоларининг ўзаро то-
тувлиги. Оилада хотин-қизларнинг ўрни.

8-дарс. Ҳалиси шариф одамийлик ҳақида

Одамийлик тушунчаси. Чиройли ҳулқ, яхши одоб иймон-
дандур. Одамларга яхшилик қилмоқ ҳақида. Комил инсон ту-
шунчаси.

9-дарс. Дўстлик, дўстларга салоқат ҳақида

Дўстлик нима? Дўст—инсон учун ота-онадан кейин қарин-
дош-уруғлар қаторидаги энг меҳрибон одам.

Дўстлик садоқати ҳақида. Халқлар дўстлиги ҳақида.

10-дарс. Ҳалол яшамоқ иймондандур

Ҳалол, ҳаром тушунчалари ҳақида. Ҳаром ризқ ва ҳаромхўр
одамлар ҳақида. Ҳалол яшамоқлик осойишта ҳаёт кечирмоқ-
ликдир.

11-дарс. Шарф ҳаё инсон кўркидир

Ибо, ҳаё тушунчалари ҳақида. Ибо ва ҳаё ахлоқ-одоб фа-
зилатларининг улуғи. Шарф аёлининг ҳаёси ҳақида. Аёл ки-
шидан ҳаё кетса, оилада файз бўлмайди.

12-дарс. Илмга интилоқ фарздир

Илм ҳақида. Инсон камолотида илмнинг ўрни. Илм
олмоққа интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу
фарздир. Ўзбекистон ёшларининг замонавий илмларни эгал-
лашлари йўлида Республика ҳукумати амалга ошираётган
ишлар.

1-ДАРС. КИРИШ (Ҳадис илми сабоқлари) курсининг мақсад ва вазифалари

РЕЖА:

1. Мустақилликкача ва ундан кейин мамлакатимизда миллий ва диний қадриятларнинг аҳволи.
2. Президентимиз И.А. Каримовнинг тарбия ҳақидаги, миллий ва диний қадриятлар тўғрисидаги фикрлари.
3. Ҳадисларнинг тарбиядаги роли.

Бу масалани ёритишда ўқитувчи қўлланманинг кириш қисмида келтирилган далиллардан ва бир қатор шу масалага тааллуқли қўшимча адабиётлардан фойдаланади. Ўқувчиларни қўлланмада келтирилган мавзулар моҳияти, дастурнинг тузилиши ва ўзи тайёрлаган рефератлар мавзулари билан таништиради.

2-ДАРС. ҲАДИСЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

РЕЖА:

1. Ҳадис илми тарихидан лавҳалар.
2. Ҳадисларнинг тўпланиши ва тартибга солиниши.
3. "Ҳадис илми сабоқлари" курсининг тарбиявий аҳамияти.

1. Ҳадис нима? Ҳадис (арабча сўз, ўзбек тилига таржима қилинганида бу сўз "ҳикоя", "хабар", "билдириш", "гап", "нақл этиш" деган маъноларни англатади)- Муҳаммад пайғамбарнинг айтган сўзлари, қилган ишлари ва кўрсатмалари, у киши тасдиқлаган ишлар. "Ҳадис" ва "Суннат" сўзлари асосан бир хил маънони англатади. Шунинг учун ҳам "Пайғамбарлар ҳадислари" ибораси ўрнида "у кишининг суннатлари" деган ибора ҳам ишлатилади.

Ислом тарихига оид манбаларда қайд этилишича, ҳадис ёзиш Муҳаммад пайғамбар ҳаётлиги давридаёқ бошланган. Бироқ Муҳаммад пайғамбар ўз саҳобаларига бу ишни таъқиқлаб қўйганлар. Бунинг сабаби Расулulloҳ ўзига нозил бўлаётган Аллоҳнинг сўзларига (Қуръон оятларига) кейинчалик "Ҳадис" деб ном олган ўз сўзларининг аралашиб кетишидан қўрққанлар.

Ҳадисларни ёзиб бориш манъ этилгач, саҳобалар уларни

ёдда сақлай бошлаганлар ва шу тарзда ҳадисларни келгуси авлодга етказиш йўлини тутганлар.

Кейинчалик "Ҳадис" Қуръони Каримдан кейин турувчи муқаддас манбага, шариат аҳкомларининг асосига айланган.

Қуръони Карим қанчалик мукаммал муқаддас китоб бўлмасин, у барибир мусулмонлар ҳаётининг барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалаларига давр нуқтаи назаридан тўла жавоб бера олмаган. Араб халифалиги кенгайиб борган сари бу ҳол янада яққол сезила бошлаган. Уруғ-қабилачилик шароитларида вужудга келган Қуръони Карим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий ҳаёти анча мураккаб бўлган янги мусулмон дунёсидаги мавжуд жамиятнинг кўпгина ҳодисаларига жавоб бера олмаслиги табиий ҳол эди.

Шундай қилиб, ҳаёт, янги вазият кун тартибига ўзгарувчан, даврга мослашувчан, бироқ қонунлаштирилмаган янги манбага эҳтиёжни вужудга келтирди.

Натижада саҳобалар томонидан ёд олинган Муҳаммад Расулуллоҳнинг сўзлари, амаллари, қилган ишлари, кўрсатмалари қоғозга туширила бошланди. Шу тариқа ҳадисшунослик илми вужудга келиб, ҳадисларни жамлаш, уларни таснифлаш мустақил фанга айланди. Бу иш билан шуғулланган илоҳиёт олимлари муқаддислар деб аталади.

2. VII-VIII асрлардан бошлаб ҳадисларни жамлаб, ёзма тўпламлар тузиш жараёни бошланди. Ҳадисларнинг аксарияти ҳуқуқий меъёрларни, илм олишга даъватларни, маросимлар ва урф-одатларга оид кўрсатмаларни ўз ичига олади. Шунинг билан бир қаторда Муҳаммад Расулуллоҳ таржимаи ҳоли, халифалар, саҳобалар фаолияти баёнига бағишланган ҳадислар ҳам мавжуд.

Дастлабки ҳадис тўпламлари тўғри, ишонарли бўлган. Бироқ вақтлар ўтиши билан миллий, сиёсий ихтилофлар, ўз мақсадлари йўлида диндан фойдаланишга уринувчиларнинг Муҳаммад пайгамбар номларидан ёлғон ҳадислар тўқишлари, шариат қоидаларини қўллашда келиб чиққан зиддиятлар, ҳукмдорларга хушомадгўйликлар оқибатида кўплаб ишонарсиз ҳадислар ҳам юзага келган. Бу ҳол кўплаб алломаларни ташвишга солиб қўйган. Ўзларининг бутун билим ва ҳаётларини тўғри, ишончли ҳадисларни аниқлаш, уларни ажратиб олиб, алоҳида тўплашдек муборақ ишга бахшида этишга бел боғлаган муътабар зотлар пайдо бўлди. Натижада исломда "саҳийҳ", яъни "ишонарли" ва "ғайрисаҳийҳ", яъни "ишончсиз" ҳадис тўпламлари вужудга келди.

Исломда таниқли ва нуфузли ҳисобланган кишилар то-

монидан етказилган ҳадислар "ишонарли" деб эътироф этилган. Агар ҳадисларни етказганлар орасига ҳурмат ва ишончга лойиқ бўлмаган одамлар кириб қолган бўлса, бундай ҳадислар "ишончсиз" деб ҳисобланган. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳадис икки қисмдан иборат бўлган. Унинг биринчи қисмида Муҳаммад пайғамбарнинг ҳикматли сўзларини шахсан эшитган ровий, яъни ушбу ҳадисни етказган кишиларнинг номлари санаб кўрсатилган. Иккинчи қисмида эса ҳадиснинг мазмуни келтирилган.

Ҳадисларнинг машҳур 6 та саҳийҳ тўплами вужудга келган. Буларнинг 2 таси - "Саҳийҳ ал-Бухорий" ва "Саҳийҳ ал-Муслим" тўпламлари айниқса кўп эъзозланади. Энг фахрли жойи шундаки, буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислар жамланган китоб ("Ал Жомий ас-саҳийҳ") ислом оламида Қуръони Каримдан кейинги иккинчи ишончли манба деб эътироф этилади.

Суннийликдан фарқли равишда шиаликда ҳадис тўпламлари "Ахбор" (Хабарлар) деб аталади. Ҳадис тўплашнинг улардаги ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўзларининг имомларинигина ва аввалбошдан Халифа Алини ҳамда унинг авлодларини қўллаб-қувватлаган арбоблар ҳадисларини нуфузли деб ҳисоблайдилар. Халифа Али ва унинг авлодларига қарши курашган шахсларнинг ҳадисларини инкор этадилар.

Муҳаммад ал-Қумий ва Муҳаммад ал-Қулайний томонидан (Х аср) тузилган ҳадислар тўплами шиалик таълимотига эътиқод этувчилар учун энг обрўли тўпламлардир.

3. Ҳадисларнинг шариат учун (мусулмон қонунлари мажмуаси) Қуръони Каримдан кейинги иккинчи манба ҳисобланишининг ўзиёқ унинг мусулмонлар ҳаётида нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

Маълумки, шариат – ислом диний ҳуқуқи, яъни барча мусулмонлар учун бажарилиши мажбурий бўлган қонунлар, ҳуқуқий-ахлоқий кўрсатмалар мажмуаси. Шариат ҳам дунёвий, ҳам диний талабларни ўз ичига олади.

Унинг кўрсатмалари ҳуқуқий, ахлоқий ва диний-маросимчилик муносабатларига бирдай тааллуқлидир.

Тўғри, дунёвий давлатларда шариат қўлланилмайди. Бироқ унинг асосларидан бирини ташкил этувчи ҳадиснинг ахлоқий кўрсатмалари динга муносабатидан қатъи назар барча мусулмон фуқаролар учун беқийёс аҳамиятга эга. Чунки ислом ахлоқига оид ҳадислар умуминсоний қадрият даражасига кўтарилган ахлоқий меъёрлардир. Уларда ватанпар-

варлик, одабийлик, хушхулқлик, ота-она ва қариндош-уруғларни эъзозлаш, инсон шаъни, қадр-қимматини оёқ ости-қилмаслик, инсонларнинг бир-бирига ўзаро ҳамдард бўлиши, заифларни ҳимоя қилиш, хотин-қизларни ҳурматлаш, оилани муқаддас сақламоқлик, ҳалоллик, поклик, дўстлик, садоқат, ибо, ҳаё. илм олиш гоёлари даъват ва тарғиб этилади.

Умуминсоний қадриятга айланган мазкур хислатларни ўзида мужассамлаштирган инсоннинг ҳаёти гузал, осойишта, қувончларга тўла бўлмаслиги мумкинми, ахир!

Шундай экан, мустақил, келажаги буюк давлатимизнинг мактабларида бугун таҳсил олаётган ёш авлод бундай ахлоқий хислатларни ўзида мужассамлаштиришга интилоғи унинг Ватан олдидаги бурчидир. Бинобарин, Сиз азиз ўқувчилар ҳадисларни ҳам ўрганмоғингиз лозим. Бу ишда Сизларга "Ҳадис илми сабоқлари" курси ёрдам беради. "Ҳадис илми сабоқлари"нинг тарбиявий аҳамияти аввало ана шу билан белгиланади.

Шу билан бирга ёшларда – ҳадис илмининг юлдузлари бўлган буюк ватандошларимиз билан фахрланиш туйғуларини тарбиялаш, ўз давлатининг, миллатининг тақдирига дахлдорлик масъулиятининг мустаҳкамланишига кўмаклашиш, фуқаролар тотувлигини тўла шакллантириш ишига ҳисса қўшишни ўзининг бурчи деб билиш, доимо замон руҳига мос илм олишга интилиш ҳисларини мустаҳкамлашга ёрдам бериш ҳам бу курснинг тарбиявий аҳамиятига киради.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ҳадис нима ва ҳадис илмининг пайдо бўлиш сабаблари?
2. Ҳадислар қай тариқа тўпланди ва тартибга солинди?
3. "Ҳадис илми сабоқлари" курси сизга нима беради?

3-ДАРС. ЎРТА ОСИЁ ҲАДИСШУНОСЛИК МАКТАБИ

РЕЖА:

1. Ҳадисларнинг тўпланиши ва уларнинг гуруҳларга ажратилиши.
2. Ўрта Осиё ҳадисшунослик мактаби.

1. Ҳадислар асосан Муҳаммад пайгамбар вафот этганларидан кейин ёзила бошланган.

Ҳадисларни сақлаб, келажакка етказиш билан биринчи навбатда саҳобалар шуғулланишган.

Хўш, саҳобалар кимлар эди? Саҳобалар Муҳаммад Расулulloҳни кўрган, у билан суҳбатда бўлган ҳар бир мусулмондир. Манбаларда айтилишича, ҳадисларни дастлаб қогозга туширган саҳобалар орасида Абу Ҳурайра (5374 та ҳадис ривоят қилган); халифа Умарнинг ўғли Абдуллоҳ (2630 та ҳадис ривоят қилган); Анас Ибн Молик (2286 та ҳадис ривоят қилган); Абдуллоҳ ибн Аббос (1660 та ҳадис ривоят қилган); Жобир ибн Абдуллоҳ (1540 та ҳадис ривоят қилган); Абу Саид ал Худрий (1170 та ҳадис ривоят қилган) алоҳида урин тутадилар.

Халифалар Умар ва Али ҳам ҳадис ривоят қилганлар.

Муҳаммад Расулulloҳнинг хотинлари ҳазрати Оиша ҳам ҳадис ривоят этувчилар орасида эътибор қозонганлар.

Қуръонни урганиш тафсир илмини вужудга келтирган бўлса, ҳадисларни туплаш ва уларни урганиш ривоят илмини вужудга келтирган. Кейинчалик эса бу икки муқаддас манба асосида илоҳиёт ва мусулмон диний қонуни – шариат вужудга келган.

VIII аср бошларида ҳадис илмида 3 та мактаб – Мадина, Ироқ ва Дамашқ (Шом) мактаблари шаклланган.

Дастлабки ҳадислар қуйидаги икки қисмдан иборат бўлган:

1. Иснод (таянч), яъни у ёки бу ҳадисни етказган кишиларнинг рўйхати.

2. Матн, яъни етказилган ҳадиснинг тексти.

Барча ҳадисларни ишончли, ҳақиқатан Муҳаммад Расулulloҳга тегишлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ, деб қаралмаган. Чунки ҳадислар ичида амалда пайғамбаримиз томонидан айтилмаганлари ҳам бўлган. Шунинг учун ҳам ҳадислар ишончилигига қараб 3 гуруҳга ажратилган:

а) Саҳийҳ (тула ишончли) ҳадислар.

Узлари тўғри суз, ишончли, адолатли, обру-эътибор қозонган шахслар туплаган ҳадислар;

б) Ҳасан (гузал, яхши, ишончли) ҳадислар.

Бирор-бир ҳадисни нақл қилган, туплаган шахсларнинг айрим нуқсонлари бўлса (масалан, у кам танилган бўлса) ёки ҳамма ҳадисшунослар уни бенуқсон деб топмаган бўлса, бундай ҳадислар "ҳасан" дейилган. Улар тула қимматга эга деб тан олинмаса-да, лекин у бутунлай инкор этилмаган, бинобарин, амалда бундай ҳадисдан фойдаланилган.

в) Заиф (ишончсиз) ҳадислар.

Хатти-ҳаракати, тақводорлиги, хулқ-атвори шубҳали кишилар томонидан тўпланган ҳадислар бу гуруҳга киритилган.

2. Тарихчилар IX асрни ҳадис илмининг "олтин асри" деб атайдилар. Айтиш мумкинки, бу "олтин аср"га ҳадис илмининг Ўрта Осиё мактаби асос солди. Бу мактабнинг раҳнамоси Имом ал-Бухорий эди. Айнан бул улуг зотнинг "Ал-Жомий ас-саҳийҳ" китоби ислом уламолари томонидан Қуръони Каримдан кейин иккинчи ўринда турувчи диний китоб деб тан олинганлиги юқорида қайд этиб ўтилган эди.

Ҳадис илми Ўрта Осиё мактабининг бошқа йирик вакиллари Абу Довуд Сулаймон, Муслим ан-Нишопурий, Абу Исо ат-Термизий, Имом Насоий ҳамда Имом ибни Можжалардир. Бу улуг алломалар ҳадисларнинг 6 та тўпламини яратганлар. Бу тўпламлар орасида "Саҳийҳ ал-Бухорий" ва "Саҳийҳ ал-Муслим" тўпламлари айниқса кўп эъзозланади.

Биз бу улуг инсонларнинг икки нафари, яъни Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийлар ватандошларимиз бўлганлиги билан ҳақли равишда мағрурланамиз. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳаёти ва ижодини алоҳида ўрганамиз, ҳозир эса ҳадис илми Ўрта Осиё мактабининг қолган тўрт нафар вакиллари ҳаёти ва ижоди ҳақида тўхталамиз.

МУСЛИМ АН-НИШОПУРИЙ. Муслим ан-Нишопурий 817 йилда Нишопурда туғилган. 14 ёшидан бошлаб ҳадис тўплаш билан шуғулланишга киришган. Шу мақсадда у Ироқ, Сурия, Ҳижоз, Миср каби ўлкаларга борган. Муслим ан-Нишопурий тез орада ҳадисшуносликда шуҳрат қозонган. Бунга у ўзининг ўта меҳнатсеварлиги, ўз ишига юқори масъулият билан қараши орқали эришган. Ислом уламолари Имом Муслим ҳадисларини Имом ал-Бухорийдан кейин иккинчи ўринда туришини таъкидлаганлар.

Имом Муслим ўз замондоши, ҳадис илмининг даҳоси, Имом ал-Бухорий билан ҳам учрашган. У ўзи учун Имом Бухорийдан мартабалироқ, обрўлироқ аллома йўқ, деб ҳисоблаган. Замондошлари Имом Муслим тўплаган ҳар бир ҳадисга ҳам ишончли, ҳам тўғри деб қараганлар.

Имом Муслим жуда кўп асарлар битган. Бу асарларнинг энг муътабари "Ал-Жомий ас-саҳийҳ" ("Ишончли тўплам") эди. Ҳадисшунос бу аллома мазкур асарини ёзиш учун 300.000 дан зиёд ҳадисни таҳлил қилиб чиқиб, улардан 12000 тасини танлаб олди ва бу тўпламни "Саҳийҳ Муслим" деб номлади.

Имом Муслим 875 йилда вафот этган.

ИМОМ АБУ ДОВУД СУЛАЙМОН. Имом Абу Довуд 817 йилда Сижистонда туғилган. У ҳам эрта ёшданоқ ҳадис илмига меҳр қўяди. Ҳадисларни тўпламоқ ниятида Хуросон, Шом, Миср ва Ҳижозни кезиб чиқади. Ҳадисшунос тадқиқотчилардан айримлари Имом Абу Довуд дунёда ҳадис учун, охиратда эса жаннат учун яратилган деб баҳо берганлар. Баъзилар эса: "Довуд пайғамбар учун темир қанчалик юмшатишган бўлса, ҳадис Абу Довуд учун худди шундай қулайлаштирилган", деб ёзганлар.

Имом Абу Довуд 500000 ҳадис тўплаган. Улардан 4800 тасини ўзининг "Сунан" номи билан машҳур асарига киритган.

Имом Абу Довуд ижодини урганган баъзи шахслар Абу Довуд асарига мана бундай деб баҳо берганлар: "Абу Довуд Қуръон ва "Сунан"дан бошқа бирор нарсага мурожаат қилишга зарурат қолдирмаган".

Имом Абу Довуд 888 йилда Басра (Ироқ)да вафот этган.

ИМОМ АН-НАСОИЙ. Имом ан-Насоий 830 йилда Нисо (Туркменистон) шаҳрида туғилган. У 15 ёшида ўз даврининг йирик алломаларидан бири бўлмиш Қутайба ибн Саъид ал-Балхийга шогирдликка тушади ва 14 ой давомида у кишидан таҳсил олади. Сўнгра у ҳам ўз даврининг йирик илм марказлари ҳисобланган Ҳижоз, Ироқ, Шом, Миср ҳамда Хуросон ўлкаларига саёҳат қилади. Ҳадис олимлари баҳосига кўра, Имом ан-Насоийнинг тўплаган ва "Сунан" асарига киритган барча ҳадислар саҳиҳдир.

Имом ан-Насоийнинг қисмати оғир кечган. У вафотидан бир йил аввал Мисрдан Сурияга кўчиб келади. Кунлардан бир куни Дамашқнинг баъзи уламолари Имом ан-Насоийдан халифа Муовиянинг бошқа ҳукмдорлардан устун эканлигини асослаб берувчи ҳадислардан ривоят қилишини талаб этганлар. Бироқ виждони пок бу инсон бу талабни рад этади. Оқибатда Имом ан-Насоий калтакланади ва натижада у Фаластинга кетишга мажбур бўлади. 915 йилда Фаластиннинг Расила деган шаҳрида вафот этади.

ИМОМ ИБНИ МОЖЖА. Имом ибни Можжа 834 йилда туғилган. У ёшлик чоғлариданоқ ўз даврининг илмларини эгаллаб олгач, ҳадис илми билан ҳам шуғулланишга киришган. Ҳадис тўплаш мақсадида Шарқнинг қатор илм марказларини кезиб чиқади.

У 4000 ҳадисдан иборат "Сунан" китобини битган ва Ислом оламида шуҳрат қозонган. У тўплаган ҳадислар асосан фикҳ (қонун) масалаларига бағишланган. Имом ибни Можа 886 йилда вафот этган.

САВОЛВАТОПШИРИҚЛАР

1. "Ўрта Осиё ҳадис мактаби" шартли иборасининг мазмуни ҳақида нима дея оласиз?
2. Дастлабки ҳадислар ҳақида сўзлаб беринг.
3. Ўрта Осиё ҳадисшунослик мактаби вакиллари номларини тафтирингизга ёзиб олинг.
4. Нега IX аср ҳадис илмининг "олтин асри" дейилади?

4-ДАРС. ВАТАНДОШЛАРИМИЗ – БУЮК МУҲАДДИС АЛЛОМАЛАР

РЕЖА:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳаёти ва ижоди.
2. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий ҳаёти ва ижоди.
3. Мустақиллик йилларида буюк аждодларимиз ўлмас хотирасининг улуғланиши.

1. АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД ИБН ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ.

Бухородан чиқиб Ҳақни топган зот

Илми-ла Ер юзин айлаганди мот.

Бу улуғ сўзлар буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорий ҳақида айтилгандир. Ислом оламида энг етук ва машҳур муҳаддис Имом ал-Бухорий 810 йилнинг 20 июлида Бухоро шаҳрида дунёга келган. Отаси шайх Исмоил ибн Иброҳим ўз даврининг илмли одамларидан эди. Бироқ унга ўғлининг қандай инсон бўлиб етишишини кўриш насиб этмайди. Ёш Муҳаммад гудаклигидаёқ отадан етим қолиб, онаси қўлида катта бўлади. Ақл-идрокли, ўткир зеҳн соҳиби Муҳаммад 10 ёшиданоқ араб тили ва ҳадис китобларини астойдил ўқиш ва уларни ёдлашга қунт билан киришади.

825 йилда у онаси ва акаси Аҳмад билан ҳаж сафарига йўл олади. Ҳаждан кейин онаси ва акаси қайтиб кетгач, Ҳижозда яшаб, ҳадис илмидан астойдил сабоқ олади. Шундан сўнг ўз билимини янада ошириш мақсадида ўша пайтда илм-

фанининг йирик марказларидан ҳисобланган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод шаҳарларида яшаб, машҳур олимлардан ҳадис, фикҳ илмидан таҳсил кўради. Илмий баҳслар ва мунозараларда қатнашади, толибларга дарс беради.

863–868-йилларда Нишопурда яшаб, мадрасада ҳадис илмидан дарс беради. Ўша пайтда Нишопур мусулмон Шарқилаги энг йирик илмий марказлардан бири бўлиб, бу ерда машҳур олимлар тўпланган эди. Ал-Бухорийнинг ат-Термизий билан учрашуви ҳам Нишопурда юз бериб, икки машҳур муҳаддис ўртасида қизгин илмий баҳслар, купдан-куп ижодий ва дўстона мулоқотлар бўлиб ўтади. Ат-Термизийнинг ёзишича, у ўз асарлари учун кўплаб маълумотларни ал-Бухорий билан ўтказган мароқли суҳбатларидан олган. Ўз навбатида ал-Бухорий ҳам шогирди ва сафдоши ат-Термизий салоҳиятини юқори баҳолаб: "Сен мендан баҳра топганингдан кўра, мен сендан кўпроқ баҳра топдим", - дейди. Бу сўзлар ал-Бухорийнинг ат-Термизийга бўлган чексиз ҳурматининг ифодаси эди.

Имом ал-Бухорий хориждан қайтгач, ўз ватани Бухорода ҳам кўплаб шогирдлар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ беради. Бироқ Имом ал-Бухорий билан Бухоро амири ўртасида ихтилоф келиб чиққани туфайли унинг ўз ватанидаги ҳаёти оғир кечди. Бухоро амири Холид ибн Аҳмад аз-Зухалий ал-Бухорий ҳузурига одам юбориб, унинг саройга келишини ва болаларига "Ал- Жомеъ ас-саҳийҳ" ("Ишончли тўплам"), "Ат-тарих ал-кабир" ("Катта тарих") китобларини ўқиб беришини тайинлайди. Лекин ал-Бухорий: "Мен илми хор қилиб, уни ҳокимлар эшигига олиб бормаيمان. Агар амирга илм керак бўлса, болаларини уйимга ёки мадрасага олиб борсин", - деб жавоб қайтарган.

Натижада ал-Бухорийни куролмаган баъзи хасадгуй, фитначи, бўҳтонкор кимсаларнинг гапига кирган Бухоро амири унга Бухорони тарк этишни буюради. Имом ал-Бухорий кучишга мажбур бўлади ва Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида яшайди. Бу орада касалга чалинган ал-Бухорий 870 йили 62 ёшида вафот этади ва шу ерда дафн қилинади. Ҳозир унинг қабри атрофида катта меъморий мажмуа барпо этилиб, мусулмонларнинг табаррук зиёратгоҳига айланган.

Имом ал-Бухорийдан бой ва қимматли илмий мерос—20 дан ортиқ асар қолган.

Уларнинг ичида "Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ" ("Ишончли тўплам") ва "Ал-Адаб ал-Муфрад" ("Адаб дурдоналари") энг машҳурларидир. Имом ал-Бухорийнинг умр бўйи куч сарфлаб юзага келтирган "Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ" ("Ишончли тўплам")

лам") китоблари ислом оламида Қуръондан кейинги иккинчи муқаддас китоб деб яқдиллик билан эътироф этилган.

Юқорида айтилганидек, Имом ал-Бухорий жами 600 минг ҳадис тўплаган. Унинг "Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ" деб номланган тўрт жилддан иборат ҳадислар тўплами китобига 7275 та энг "саҳийҳ" (ишонарли) ҳадислар киритилган.

Бу ҳадисларнинг тарбиявий аҳамияти беқиёсдир. Қуйида улардан намуналар келтирамиз.

Ҳар биримизнинг иймонли бўлмоғимиз лозимлигини ҳаммамиз эшитганмиз. Ҳадисда инсон иймони мукамал бўлмоғининг уч шарти ҳақида бундай дейилади:

- тўғри эътиқодли бўлмоқ;

- кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ;

- киши ўз устида ишламоғи ва ўзини ибодат ва тоатда чиниқтирмоғи. Кимки буларни тўла ўзлаштирса, иймони мукамал бўлғайдир.

Бу фикр кейинги ҳадисларда ривожлантирилиб, кишининг иймони мукамал бўлишининг яна уч шарти келтирилади:

- инсофли ва адолатли бўлиш;

- барчага салом бериш;

- камбағаллигида ҳам садақа бериб туриш.

Шунингдек, ал-Бухорий тўпламда инсонларнинг бир-бирига меҳрибон-дилкаш, ҳаёли бўлишлари, бир-бирига кўмакдош бўлишлари, оғир кунларда елкадош бўлишлари, бир-бирига нисбатан фисқу фасод қилмаслик, фитнакор бўлмаслик, гуноҳ қилмаслик, мунофиқ бўлмаслик ҳақидаги ҳадислари тарбия ишида алоҳида ўрин тутadi. Қуйидаги ҳадислар бу фикримизнинг далилидир:

- "Қули ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши чин мусулмондир".

- "Дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглар. Ёмон сифатларидан тилингизни тийинглар".

- "Ўзи яхши кўрган нарсани биродарига раво курмагунча иймони бут бўлмас".

- "Аҳмоқдан узоқлашинг".

- "Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Шунда урталарингизда меҳр-муҳаббат уйғонур".

- "Мўминларнинг афзали хулқ-атвори яхшироғидир".

- "Қилиб қуйиб, сўнг узр сўраладиган ҳар қандай ишдан сақлан".

- "Оддий кийим кийиш иймондандир".

• "Қулоққа ёмон эшитиладиган гапдан сақлан".

• "Омонатга хиёнат қилмоқлик, ёлғон сўзлаш, сўзида турмаслик, кек сақлашлик мунофиқликнинг аломатларидир".

Имом ал-Бухорийнинг "Ал-Адаб ал-Муфрад" ("Адаб дурдоналари") китобига 4 жилдлик "Ишонарли тўплам"дан 1322та ҳадис ва хабарлар киритилган. Бу китоб фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи ҳақидаги ҳадислар билан бошланади.

Мана ўша бурчларни ўзида акс эттирган ҳадислар:

• "Жаннат—оналар оёқлари остидадир".

• "Аллоҳ таолога ширк келтириш, одам ўлдириш, уруш майдонидан қочиш, покиза аёлни фоҳиша деб туҳмат қилиш, судхўрлик, етимлар молини емоқ, одамларни масхара қилиш, камситиш, ота-онани хафа қилиб йиғлатиш – мана шулар энг катта гуноҳдир".

• "Ота-онанг нимани истаса, ўшани ижро этишдан истиҳола қилма".

• "Гуноҳларнинг энг каттаси – Аллоҳ таолога ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлишликдир".

• "Ота-онасига лаънат ўқиган кишига Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин".

• "Ота-онаси тирик вақтида уларнинг дуоларини олмаган киши хор бўлади".

• "Ким ота-онасини рози қилса Аллоҳ таоло унинг умрини зиёда қилади".

• "Кишининг ўз ота-онасини сўкиши катта гуноҳдир".

• "Ота-онанинг йиғлаши боласидан норози бўлганликларидан далолат беради ва бу эса энг катта гуноҳлардандир".

Умуминсоний қадриятга айланган бу фикрларнинг тарбиявий аҳамияти беқиёсдир.

Маълумки, бугунги кунда фуқаролик жамияти барпо этилаётган мустақил мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бундай жамиятнинг негизи маҳалла бўлиши тушуниб етилди. Шунинг учун ҳам маҳалла қўмиталари ишини ҳар томонлама фаоллаштиришга жиддий назар билан қаралмоқда. Маҳалланинг қандай маҳалла бўлиши биринчи навбатда қўни-қўшнилар муносабатига боғлиқлиги исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Бекорга "қўшнинг тинч бўлса—сен ҳам тинчсан"; "сн қўшни—жон қўшни"; "узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшнинг афзал", дейилмаган.

Қўни-қўшнилар муносабати қандай бўлиши кераклиги бундан 1000-1200 йил аввал Имом ал-Бухорий тўплаган

ҳадисларда баён этилганлигининг бугун гувоҳи бўлиб туриб-
миз. Ҳадисларда айтилган фикрлар ўзининг долзарблигини
заррача йўқотган эмас. Мазкур ҳадислардан намуналар:

• "Қўшни ҳаққи — қўлдан келганича унга яхшилик қилиш,
ҳадялар бериш, кўрганда очиқ юз билан муомала қилиш, са-
ломлашиш, аҳволдан хабар олиб туриш, муҳтож бўлган нар-
саларини қўлдан келса муҳайё қилиш, унга моддий ва маъ-
навий жиҳатдан зарар етказмасликдан иборатдир".

• "Қўшничиликда ҳеч қандай дин ва миллат эътиборга
олинмаслиги лозим".

• "Мўмин одам ўз қўшнисига озор бермасин!"

• "Ўтроқ жойидаги ёмон қўшнидан кучибгина қутулишинг
мумкин".

• "Қайси бир қўшни ўз қўшнисига зулм қилиб, уни ўз
ҳовлисидан чиқиб кетадиган қолатга келтирса, албатта ҳало-
катга учрайди".

• "Қўшнини қўшнига ёмонламангиз".

Ҳадисларда ҳар бир мўмин илм олишга чақирилади.

Муҳаммад пайғамбар айтадилар:

• "Бешикдан қабргача илм талаб қилинглари".

2. АБУ ИСО МУҲАММАД ИБН ИСО АТ-ТЕРМИЗИЙ

Тарихий маълумотларга кўра, ат-Термизий 824 йилда ту-
ғилган. Ёшлик чоғларидан бошлаб илмга катта қизиқиш ва
иштиёқ курсатган. Ҳадис ўрганиш мақсадида 850 йилдан бош-
лаб хорижга сафар қилган. Ҳижоз, Хуросон ва бошқа жойлар-
да бўлиб, машҳур муҳаддислар, уламолар билан мулоқотда
бўлган, улардан сабоқ олган. Имом ал-Бухорийни ўз устози
деб билган. Имом ал-Бухорий ат-Термизийнинг ҳадисларни
синчиклаб ўрганишдаги нодир қобилиятини, тақводаги ус-
тунлигини эътироф этган.

Ҳофиз Умар ибн Алак бундай деган: "Имом Бухорий вафот
этиб, бутун Хуросонда, илмда, тақвода ва зуҳдда Абу Исо
Термизийга тенг келадиган улуг зотни ўзидан кейин қол-
дирмади".

Имом ат-Термизийнинг машҳур асари ҳам "Жомъ ас-
саҳийҳ" деб аталади. У, шунингдек, "Шамоили Набавия"
("Пайғамбар алайҳиссаломнинг шакл ва сифатлари"), "Китоб
уз-зуҳд" ("Зоҳидлик китоби"), "Асмоъус-саҳоба" ("Саҳоба-
ларнинг исмлари"), "Ал-асмоъ вал куня" ("Исмлар ва лақаб-
лар"), "Китобул-илал" ("Иллатлар китоби") каби асарлар ҳам
битган.

Имом Термизий ҳадисларни 3 гуруҳга ажратган. Улар са-

ҳийҳ, ҳасан, заиф деб аталган. Бу билан Имом Термизий ҳадиснинг ишонарлигини аниқлашда яна бир босқичга кўтарилди.

Ҳар бир ҳадисга "саҳийҳ", "ҳасан" ёки "заиф" белгиларини қўйган эди.

Имом Термизий ҳар доим илм-фанни тарғиб этган, айниқса, ёшларни илм олишга даъват қилган. Айни пайтда, мулоимлик ва хушфёзлик ул кишининг гузал фазилати эди.

Умр буйи қилинган машаққатли меҳнат, ҳаётининг сунғи йилларида Имом Термизийнинг кўзлари ожиз бўлиб қолади. Ул зот 892 йил 70 ёшида вафот этади.

Имом Термизий туплаган ҳадисларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам беқиёсдир. Қуйида улардан намуналар келтирамиз!

- "Кимки ёлғон сўзлашни, бошқа бировга бўҳтон қилишни қуймаса, унинг тутган рузасига Аллоҳ таоло муҳтож эмас".

- "Аёл кишининг диенати учун уйлан".

- "Агар туйга чақирилсангиз, албатта боринг".

- "Муминларнинг иймони комилроғи яхши хулқлиларидур ва сизларнинг яхшиларингиз муомалада хотинларингизга яхши булганларингиздур".

- "Пора берувчи ва уни олувчини лаънатланглар".

- "Ҳазрат Расулуллоқ (саллоллоҳу алайҳи васаллам) жонлини (ҳайвон ва қушларни) нишон қилиб уқ отмасликка буюрдилар".

- "Ҳар бир маст қилувчи нарсаси ҳаромдир".

- "Эзгуликнинг энг яхшиси ўз отасининг севган одамларига яхшилик қилишдур".

- "Уч хил дуо шаксиз мустажабдур: мазлумнинг дуоси; мусофирнинг дуоси; отанинг болага қилган дуоси".

Маълумки, даҳрийлик ҳукмрон даврдаги дин масаласига бағишланган адабиётларда ислом дини аёлларни камситувчи, уларнинг қадр-қимматини, шаънини таҳқирловчи дин деб ташвиқот қилинади. Ҳаёт бу фикрларнинг бирёқлама, асоссиз, уйдирма эканлигини исботлади. Мана Ҳадиси шарифда аёллар, уларга муносабат ҳақида айтилган фикрлар:

- "Қайсингизнинг учта қизингиз ёки учта синглингиз бўлса, уларга яхшилик қилсангиз, жаннатга кирасиз".

- "Кимгаки Аллоҳ таоло қиз фарзандлар берса, уларни сабр билан тарбиялаб, вояга етказса, улар унга дузахдан парда бўлади".

Ҳадисларда инсонларнинг бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиши ҳақида ҳам ажойиб фикрлар баён этилган:

- "Кимки кичикларга раҳм-шафқат қилмаса ва катталарга иззат-ҳурмат кўрсатмаса, биздан эмас".

- "Кичикларингизга раҳм-шафқат қилмаган, катталарга ҳурмат кўрсатмаган, амр-маъруф ила эзгуликка чақирмаган ва ёмонликдан қайтармаган кишилар биздан эмасдур".

- "Мусулмон киши мусулмон учун бамисоли бир иморат, улар бир-бирини ушлаб туради".

- "Бир-бирингизнинг орангизни бузманг, бир-бирингизни орқангиздан айб қидирманг, бир-бирингизни ёмон кўрманг, бир-бирингизга ҳасад қилманг".

- "Ростгўйликни маҳкам ушланг, чунки ростгўйлик эзгуликка олиб боради".

- "Ўлганларни сўкиб, тирикларга озор берманглар".

- "Бировга душманчилик кайфиятида юрмоқ гуноҳдир".

- "Яхши хулқ очиқ юзлиликдир, эзгуликни ёйиш ва одамлардан азиятли нарсани узоқлаштиришдир".

- "Қайси бир ёш киши қари кишини ҳурмат қилса, у кексайганида ўша ҳурматни кўради".

- "Шарму ҳаё ва тортинчоқлик иймоннинг икки шохобчасидур. Бешармлик ва сурбетлик эса нифоқнинг икки шохобчасидур".

- "Фитнадан ҳазар қилмоқ диндандир".

- "Кимки мусулмон мамлакатида яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат кунини ўтдан ясалган қамчи билан урилуру".

- "Кимки сулҳ битими билан яшаётган ғайридинини улдирса, у жаннатнинг бўйини ҳам ҳидламайди".

Хулоса қилиб айтганда, ислом динининг асоси булган Қуръони Каримдан кейин ҳар бир мусулмон амал қилиши лозим булган дастуриламал—Ҳадиснинг буюк юртдошларимиз томонидан тўпланганлиги тенги йуқ савоб ишдир.

Президентимиз ўз фаолияти давомида буюк бобокалонларимиз ва улуғ алломаларимизнинг номларини улуғлашга катта аҳамият бериб келмоқдалар. Истиқлол бунга катта имкониятлар очди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Президентимиз: "Асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди... Бобокалонларимиз Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Улуғ боболаримиз Хожа Аҳмад Яссавий руҳи покларига эҳтиромимиз

бениҳоя. Бугун уларнинг инсонни маънавий етукликка чорловчи диний, ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари қайтадан жарағлай бошлади", -деб ёзган эдилар.

Номи, хотираси халқимиз қалбида абадий яшашга ҳақли ва дойиқ бўлган буюк алломаларимиздан дастлаб Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий номи тикланди. 1990 йил сентябр ойида ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллиги нишонланди.

Уша йилнинг 14-17 сентябр кунлари Тошкентда "Имом Абу Исо Термизийнинг илмий мероси ва ҳозирги замон" мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.

1993 йилнинг 23-24 октябр кунлари Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг қарори билан дунё муҳаддисларининг имоми, улуғ инсон Имом ал-Бухорий таваллудининг 1220 йиллигига ва унинг ҳаёти, илмий меросини кенг тарғиб этишга бағишланган "Имом Бухорий ҳаёти ва даври" мавзусида халқаро илмий анжуман ўтказилди.

Президент И.А. Каримов анжуман қатнашчиларига йўллаган табрик мактубида жумладан бундай дейилади: "Ўзбекистонда туғилиб вояга етган алломамиз ҳадис илми ривожига қўшган улкан ҳиссаси билан жаҳонга танилган, исломнинг бешиги—Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара аҳлининг, дин пешволари ва олимларининг таҳсинига сазовор бўлган. Шу кунларда улуғ бобомиз руҳини шод этиш, ҳаёти ва илмий меросини тарғиб қилиш борасида ўтказилаётган тадбирлар Имом ал-Бухорий номи ва асарлари асрлар оша барҳаётлигидан далолатдир".

Бизга берилган улуғ неъмат—мустақиллик даврида ҳар бир ўтган улуғ зотларнинг номларини тиклаш, улар яратган асарларни қайта нашр этиш, уларнинг қолдирган меросидан халқимизни тарбиялашда кенг фойдаланиш ишлари янада ривожланмоқда. Чунки тарихимизда ҳали ўрганилмаган буюк зотлар анчагина. Шу сабабли давлатимиз бу ишларга кенг йўл очди. Биргина ал-Фарғоний юбилейини ўтказиш йўлида қилинаётган саъйи ҳаракатлар, шунингдек, Ислом олами эъзозлаган буюк аллома ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини кенг, халқаро миқёсда нишонлаш фикримизнинг исботидир.

1 Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент. "Ўзбекистон", 84-бет.

етказганингдан бахтиёрсан, шундай сахий, уктамсанки, барча тирик жонга ва бутун борлиққа фидойи ёрсан! Елканг шу қадар бақувват, ҳар қанча оғирликларни писанд қилмай кўтариб турасан!

Ҳаёт яшнаб турган сайёрамиздаги турли миллат ва элатларнинг она-Ватани қаторида юзига қаймоқ суртилган нондек ярқиллаган, биллурий нурафшонлик билан яшнаган Ўзбекистоним, жон Ватанимсан! Сени мадҳ этган шоир А.Орипов:

Дунё бўлди чаманим маним,
Ўзбекистон ватаним маним,

деб фахру шуурга тўлган! Шоирнинг оташин дилидан қайнаб отилган бу туйғулар ватандошларимизнинг қалб садоларидир.

Эй, жоним Ватан! Сен онадек мўътабар, отадек бузруквор, халқдек доно, нурдек аъло, нондек азиз, ҳаётдек лазиз Ўзбекистонимсан!

Дунёда ватанлар кўп, гулистонлар кўп, боғу бўстонлар кўп, лекин ўзбек учун жаннатмакон диёр— Ўзбекистонсан!

Сен шундай фазилатли диёрсанки, халқинг чин меҳнаткаш, тупроғинг-оятин, табиатинг дилкаш мамлакатсан!

Сен шундай саховатли диёрсанки, бағрингда қуруқ чўлдан ниҳол, аччиқ ғўрадан бол етиштирасан¹.

2. "Ватанни севмоқ иймондандур", дейилади Ҳадиси шарифда. Ватанни севиш инсонда Ватан туйғусининг қарор топишидан бошланади. Ватан туйғуси... Бу инсонийликнинг, Ватанга фарзандликнинг муқаддас ҳиссий белгиси. Бундай туйғусиз инсонларга Ватанни севиш, Ватанга садоқат деган тшунчалар етти ёт бир нарсан.

Ватан туйғуси нимадан бошланади ўзи?

Ватан туйғуси—шу Ватаннинг эгаси бўлган халқни, унинг ўтмишини билишдан бошланади.

Ватан туйғуси бу—ўз халқини севиш, у билан фахрланиш, уни ҳурмат қилиш ва қадрига етиш деганидир.

Ватан туйғуси бу—шу азиз Ватанни ўзининг ҳалол пешона тери билан обод этган аجدодларимизни доимо эсламоқ демакдир.

Ватан туйғуси бу—ўз ақли-идроки билан жаҳон тараққиётига улкан ҳисса қўшган ватандош буюк аллома-

¹ Қаранг: Б.Аминов, Т.Расулов. Ватан - юракдаги жавоҳир. Т.1996. 3-4-бетлар.

ларимиз, мутафаккирларимиз, ҳадис ва тасаввуф илмининг султонларини унутмаслик демакдир.

Ватан туйғуси—она-Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид бўлган буюк аждодларимизни ёдда тутиш демакдир.

Ватан туйғуси бу—азиз ва лазиз, гузал Ватанимизга юксак эътиқод билан яшаш ва унга ҳамиша чин фарзанд бўлиш демакдир.

Ана шундай туйғу, ҳисларга эга бўлган Инсон ўз Ватанини севмаслиги, Ватандан йироқда бўлганида уни қўмса-маслиги мумкин эмас.

Бу ўринда улуғ бобомиз Бобурнинг ҳаёти ёрқин мисол бўла олади. У Ҳиндистонда қудратли ва шавкатли салтанат бунёд этади. У ҳокими мутлақ. У ҳаётнинг барча ноз-неъматларидан, лаззатларидан истаганча баҳраманд бўлиш имконига эга. Бироқ Бобур беками-қўст ҳаёт билан ўзини бахтли инсон деб ҳисоблаганми? Йўқ, албатта. Унга ҳамиша бир нарсa етишмаган, уни ҳамиша бир туйғу қийнаган, қалбини ўртаган. Бу—Ватан соғинчи туйғуси эди. Шунинг учун ҳам Бобур мирзо бундай деб ёзган эдилар:

Толеъ йўқки жонимга балолинг бўлди,
Ҳаришники айладим, хатолинг бўлди.
Ўз ерни қўйиб, ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не кўз қаролинг бўлди.

Ўз ватанини севган инсонга доимо Ватан қайғуси йўлдош бўлади.

Буюк ватандошимиз, ватанпарвар инсон А.Фитрат ҳазратлари асримиз бошида ўз юртининг қайғули тақдири ҳақида қуйидаги сўзларни битган эди:

"Эй, улуғ Турон... Сен менинг Ватанимсан... Юртим. Туроним, сендан айрилмоқ—менинг ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ—менинг тириклигимдур. Паноҳим, саждагоҳим, умидим! Етларинг сени шу кўнга солдилар... Золимлар сени кимсасизми кўрдилар! Йўқ, сен кимсасиз эмассан. Мана мен, чин кўнгил билан сенинг йўлингга ўлурга рози... Мен сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман.

"Эй, туркликнинг мукаллас ўчоғи! Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга, нафрат сени кўнгани келганларга!"

Қурамызки, "ватанпарвар" сўзи ҳам улуғ сўздир. Ватанни севиш бу—ватанпарвар бўлиш демакдир.

Иймон ва диёнат ватанпарварликнинг тамал тошидир.

Иймони ва диёнати йўқ халқнинг Ватани ҳеч қачон буюк бўлмайди.

Ватанпарварлик—бу она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш ва эъзозлашдир. Нафақат севиш ва эъзозлаш, зарур бўлиб қолса жонни ҳам фидо этишдир. Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашган, бу курашда ўз ниятларига эришган ва ҳатто керак бўлганда, жонини ҳам фидо этган ватандошларимиз исмлари Ватан тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Тумарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва бошқа улуг боболаримиз ва момоларимизнинг Ватан озодлиги йўлида кўрсатган буюк хизматлари бугунги авлод учун йулчи юлдуздир.

Халқимиз Ватан озодлиги, адолатли ҳаёт учун кураш йўлида ўз жонларини фидо этган ажойиб ўғлонлари—Мунаввар қори, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Файзулла Хўжаев ва бошқаларнинг номларини асло унутмайди.

Ватанпарварлик—бу она-Ватанга, миллатга, Ўзбекистон халқига содиқ бўлиш демакдир.

Ватанпарварлик—бу ўз халқи тарихини, маданиятини яхши билиш, уни келгуси авлод учун асраб-авайлашнинг жонкуяри бўлиш демакдир.

Ватанпарварлик—бу Ватан олдидаги, миллат олдидаги масъулиятини ҳис этиш демакдир.

Ватанпарварлик—бу ўз халқининг фидойиси бўлиш, халқи дардини ўз дарди деб билиш, Ўзбекистонни буюк давлатга айлантириш ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш демакдир.

Мустақил Ўзбекистон давлати тарихида янги давр бошланди. Бугун Ватанимизнинг тараққиёт йули аниқ белгилаб олинган. Давлат, юрт олдида турган буюк ишларни амалга ошириш иши ҳар бир фуқародан юксак ватанпарварликни талаб қилади. Бу ўринда шу нарсани қайд этмоқ керакки, Президентимизнинг ҳаёт йўли, давлатимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида кўрсатаётган фидойилиги бугунги авлод учун ибрат ва намуна вазифасини ўтайди.

Бугунги кунда буюк ватанпарвар инсон—Президентимиз И.А. Каримов элу юрт обрў-эътиборининг, миллатимиз кўркининг, халқимиз қадр-қимматининг кўзгусига айланди. Халқимизнинг буюк ватанпарварлик анъаналарига содиқ бўлган Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқариши бозор

муносабатларига асосланган, эркин, очиқ, демократик, ҳуқуқий, фуқаролик жамияти барпо этилмоқда.

Бизда шундай Ўзбекистон бунёд этиладики, бу Ватан-ватан озодлигини куриш насиб этмаган боболар ва момолар хотираси учун улуғвор ҳайкал бўлади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Қўлингиздаги қўлланмада "Ватан", "Она-Ватан" тушунчаларига берилган таърифларга яна қандай фикрларни қўшимча қилган бўлар эдингиз?

2. А.Ориповнинг "Оломонг" ва М. Юсуфнинг "Халқ бўл, элим" шеърларини бир-бири билан таққосланг. Уларда илгари сурилган бош гоя нималардан иборат?

3. Ватан, ватанпарварлик ҳақида қандай китобларни ўқигансиз?

4. "Ватан туйғуси" (Т., 1996 йил), "Агар огоҳсен" (Т., 1998) ва "Ватан-юракдаги жавоҳир" (Т., 1996) китобларини мустақил ўқинг.

6-ДАРС. ОТА-ОНА КЎНГЛИГИНИ ОЎРИТМОҚ ЭНГ КАТТА ГУНОҲДИР

РЕЖА:

1. Ҳадиси шарифларда ота-онанинг улуғланиши. Фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчлари.

2. Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги бугунги муносабатларнинг баъзи жиҳатлари.

1. Оталар улуғланиб падари бузруквор, оналар эса волидаи меҳрибон дейилади. Чунки ҳар бир ахлоқли инсон учун отадек улуғ ва қадрдон, онадек яқин ва меҳрибон киши йўқ.

Барча илоҳий каломларда, муқаддас китобларда ота-оналар улуғланган.

Хусусан, Ҳадиси шарифда ота-онани улуғлаш, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчлари ҳақида қуйидаги ҳикматлар битилган:

* Инсон уз ота-онасига итоаткор ва меҳрибон бўлсин.

* Одам қиладирган гуноҳи азимлардан бири ота-онасини ҳақорат қилмоқдир.

* Аллоҳ таолонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва унинг ғазаби ҳам отанинг ғазабига боғлиқдир.

Эй, Расулуллоҳ, мен яхшилигимни кимга қилсам бўлади? – деб сўрадим. Расулуллоҳ: "Онанингга" дедилар. Мен шу саволни уч марта қайтарсам ҳам, Расулуллоҳ: "Онанингга", -

дедилар. Туртинчи маротаба сураганимда: "Отангта ва яқин булган қариндошларингта", -дедилар.

- * Агар ота-оналар фарзандларга зулм қилсалар ҳам улар ота-онани ранжитмаслиги керак.

- * Ота-онани хафа қилиб йиғлатиш катта гуноҳдир.

- * Гуноҳларнинг энг каттаси ота-онага оқ бўлишликдир.

- * Ота-онасига лаънат уқиган кишига Аллоҳнинг лаънати бўлсин.

- * Ким ота-онасини рози қилса Аллоҳ таоло унинг умрини зиёда қилади.

- * Ота-онанинг йиғлаши боласидан норози булганликларидан далолат беради ва бу эса катта гуноҳлардандир.

- * Ота-онанинг дуоси ҳеч шубҳасиз Аллоҳ таоло қошида мақбулдир.

- * Жаннат оналар оёқлари остидадир.

- * Ота-оналарининг тирик вақтида ҳар иккисини ёки бири булмаганида бошқасини рози қилиб жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин!

Эътибор беринг-а, бир-биридан қанчалик қимматли фикрлар, ўғитлар, амаллар. Бу ҳадислар ҳозирги кунда ҳам ҳар жиҳатдан ўз қимматини асло йўқотган эмас.

Энди юқорида келтирилган ҳадисларга ҳаётдан ривоятлар келтирамиз:

І-РИВОЯТ ОНАМНИ РОЗИ ҚИЛА ОЛДИММИ?

Бир куни бир одам Муҳаммад Расулуллоҳ ҳузурига келиб дебди:

Ё, Расулуллоҳ! Онам жуда кексайиб қолди. Боладек бўлиб қолди. Гўдакларга ўхшаган ишлар қилади. Ўрнидан тура олмайди. Унга ўз қўлим билан овқат бераман. Таҳоратига ҳам ёрдам бераман. Сунгра намоз ўқиш жойига опичиб кўтариб олиб бораман. Хоҳлаган ерига кўтариб олиб бораётирман.

Ё, Расулуллоҳ! Онамнинг ҳақини ўтай олдимми, рози қила олдимми, йўқми?

Р а с у л у л л о ҳ д е д и:—Волиданг ҳақининг юздан бирини ҳам ўтай олмагансан.

У л о д а м:—Нега? Ё, Расулуллоҳ! Ахир мен онамнинг бирор айтганини икки қилмайман-ку.

Расулуллоҳ деди: —Волиданг сенга ўссин, улғайсин, одам бўлсин, умри узоқ бўлсин, деб хизмат қилган. Сени кўтариб юрган. Сен-чи? Сен эса онангта у қачон ўлар экан, қачон мен ундан қутулар эканман, деб хизмат қилаяпсан. Сен билан

онанинг хизмати орасида ер билан осмончалик фарқ бор. Сен онангга қанча хизмат қилсанг ҳам унинг ҳаққини утай олмайсан. Ҳеч бир фарзанд ота ва онанинг ҳаққини утай олмайди. Ота ва онанинг розилигини олган, ризосига ноил бўлган одам Аллоҳга ноил бўлади, розилигини олади.

Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. (Тўғри, ҳаётда ота-оналик шаънига иснод тушираётганлар ҳам йўқ эмас). Улар ўз фарзандлари учун ҳар қандай қийинчиликларга, кургуликларга тайёрдирлар. Қуйидаги ривоят бу фикримизни янада ойдинлаштиради.

2-РИВОЯТ

Кунлардан бир кун юртни ёв босибди. Элни тигдан утказибди, юртни талаб вайрон этибди. Ёв аскарлари қирғиндан омон қолган бир аёлни икки нафар фарзанди билан ўз шоҳлари олдига олиб келибди. Асирларни олдига олиб кирган мулозим шоҳга она ўз фарзандларини ҳаддан зиёд яхши кўришини, улар учун жонини ҳам фидо қилишга тайёр эканлигини билдирибди. Босқинчи шоҳ онани синаб кўрмоқчи бўлибди ва онага қарата дебди:

Сени эмас, ўғлингни ўлдирмоқчиман. Чунки у катта бўлса қасосга бел боғлаши мумкин. Бироқ сен фарзандинг учун чаросдек чиройли кўзингнинг ўнгини берсанг ўғлингни ўлдирмайман.

О н а: — Кўзим керак бўлса ўйиб ол, лекин боламини ўлдирма.

Ш о ҳ: — Жаллод, онанинг ўнг кўзи ўйилсин.

Жаллод онанинг ўнг кўзини ўйиб олибди. Лекин онадан "инг" деган садо чиқмабди.

Ш о ҳ: — Энди, чап кўзингни берсанг қизинг ҳам омон қолади.

Она ҳеч иккиланмай чап кўзини ҳам беришга рози бўлибди. Жаллод онанинг чап кўзини ҳам ўйиб олибди. Она-изор шу йўл билан икки дилбандини сақлаб қолибди. Бу орада шу юртнинг ватанпарвар кишилари душманга қарши озодлик курашини бошлабдилар ва ғалабага эришибдилар. Она меҳрига, жасоратига бош эгган юрт аҳолиси онани юрт бошлиғи этиб сайлабдилар. Ўғил онага ўнг кўз, қиз эса чап кўз бўлибди. Улар узоқ яшабдилар, юртда адолат ўрнатибдилар.

3-РИВОЯТ

Қуёшдан сўрабдилар:

—Сенинг ҳароратингдан зўрроқ ҳарорат борми?

Қуёш: —Бор. Бу—она меҳри. У менинг тафтимдан кучлироқ.

Улимдан сўрабдилар:—Сенга бас келадиган куч борми?

Ўлим: — Бор. Бу она меҳри. У мени ҳам чекинтиришга қодир.

Оталар ҳам ўз фарзандлари ҳақида оналардан кам қайғурмайдилар.

Ватандошимиз, улуғ ватанпарвар, давлатимиз мадҳиясини битиш билан ўзига ҳаётлигидаёқ ҳайкал ўрнатган севимли шоиримиз А.Ориповнинг "Фарзанд" шеърини ўқисангиз бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз:

Бир кун и ранжитди отани фарзанд,
Ота ўз уйидан бош олиб кетди.
Лекин Аллоҳ меҳри бўлиб сарбаланд,
Ота Макатуллоҳ васлига етди.

Ота фиғон чекар Каъба қошида,
Гўё унут бўлғай аламлар бари.
Нажот чарх урса ҳам гарчанд бошида,
Сира кетолмади бир гапдан нари.

Каъбага сигинар экан кекса чол
Армонин ошкора айтди оламга.
Деди:— Ибодатим бўлса ҳам увол,
Фақат савдат бер ўша боламга.

Ота-оналар буюк зотлардир. Улар туфайли кишилик жамияти яшамоқда. Айни пайтда улар ўз фарзандларини кўз қорачиғидек авайлаб-асраб вояга етказмоқдалар. Улар туфайли биз фарзандлар бу ёруғ дунёда яшамоқдамиз. Ота-оналаримиз туфайли ҳаётимиз тукин, йўлимиз ёруғ. Шунинг учун барча замонларда ота-оналар улуғланган. Бу буюк зотлар эъзозланган асарлар ҳамма замонларда севиб ўқилган ва ўқилмоқда ҳам.

Ота-онага ҳаммавақт иззат-ҳурматда бўлиш фарзандлар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Шеърят султони, ўзбек халқининг буюк фарзанди Навоий ҳазратлари бу ҳақда қуйидаги сатрларни битган:

Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига.
Тун-кун унга айлагани нурпош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Кимки ота-онасини астойдил севса, ҳурмат қилса, уларни рози этса, албатта келгусида фарзандлари ҳам уни эъзозлайди, ҳурмат қилади. Чунки бугунги уғиллар бир куни ота, қизлар эса она бўладилар. Ҳаётнинг қонуни ана шундай.

Буюк бобокалонимиз яна қуйидаги сатрларни ҳам битган эдилар:

Аноларнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғин висолин истар эсанг,
Бўл анолар оёгин туфроғи.

Ўзбек халқининг сеvimли фарзанди А. Орипов ўзининг "Она" шеърисида қалбларни тўлқинлантирувчи қуйидаги сатрларни битган эди:

Кимдир савол берди:—Айтгил, Муҳаммад,
Ёлғиз сен Расулсан бутқул оламга.
Кимга кўп яхшилик айлай, ўзинг айт,
Ота-онагами? Ёхуд боламга?

Расул жавоб қилди:—Тингла биродар,
Гапимни уч бора қулоқда илгил.
Имкон топа олсанг дунёда агар
Энг аввал онанга яхшилик қил.

Бу ҳикмат шарҳини ўйладим узоқ,
Ростдан она эрур қиблаи олам.
Гарчи барчамиз ҳам падармиз, бироқ
Онадан тугилган пайғамбарлар ҳам.

Ота ва онага бўлган иззат ва ҳурмат уларнинг тирик-лигидаёқ ўз ўрнига қўйилмоғи лозим. Ота-оналар минг машаққатлар билан фарзанд ўстирганлар, кечалари ухламай бешикларини тебратганлар. Касал бўлиб қолганида эса ўзларини қўярга жой топа олмай қолганлар. Ота-оналар фарзандларини ўқитадилар, тарбиялаб вояга етказадилар, бахтли-

саодатли кунларни тилайдилар. Шундай экан, фарзандларнинг ота-оналари олдидаги бурчлари масаласи ҳам жула долзарб масаладир.

Ота-оналар ва фарзандлар муносабатининг тамал тоши бўлмиш бу бурчлар қуйидаги фазилатларни ўз ичига олади, десак хато бўлмас:

- ота-онага доимо ҳурматда бўлиш;
- улардан ҳеч нарсани қизганмаслик;
- миннат қилмаслик;
- ота-онанинг биринчи чақириғидаёқ улар олдига етиб келиш;
- ота-онага ғазаб қилмаслик;
- ота-она билан гаплашганда юзни буриштирмаслик;
- ота-она билан юмшоқ, мулойим тилда гаплашиш;
- ота-онанинг рухсатисиз, розилигисиз ўзбошимчалик билан ҳаракат қилмаслик;
- ота-онага қувонч келтиришга интилиш;
- ота-онанинг панду насиҳатларига қулоқ солиш;
- ота-онага барча яхшиликларни уларнинг ҳаётлигида қилиш;
- ота-она вафотидан сўнг уларнинг қабрларини обод ва зиёрат қилиш.

Ҳадисларда айтилганидек, ҳар кун ота-онангизни зиёрат қилсангиз, сиз учун жаннатнинг икки эшиги ҳам очиқ булар экан.

РИВОЯТ

Бир донишманднинг шогирди устозидан сўрабди:

—Ота-онам вафот қилдилар, энди нима қилсам уларнинг ҳақларини адо қилган бўламан?

—Ота-онангнинг васиятларини бажо келтир, дўстларини, ёру биродорларини иззат-ҳурмат қил, ака-укаларингга, қариндош-уруғларингга муҳаббат боғла, қўлингдан келганича уларга ёрдам бер, яхшилик қил, ўзинг тарбия, одоб доирасидан чиқма, — дебди устози.

Минг афсуски, ҳаётда юқорида қайд этилган бурчларини бажармайдиган фарзандлар ҳам йўқ эмас. Улар вояга етганидан ёки уйли-жойли бўлганидан кейин ота-онага бемехрлик қилмоқдалар. Ҳатто ота-она насиҳатини ёқтирмайдиган бўлиб қолмоқдалар. Ўз отасини "бобой" ёки "пахан", онасини эса "мамашка" деб чақирадилар. Ота-оналари бирор гап гапирса уларни жеркиб ташлайдилар.

Баъзилар шу даражага етмоқдаки, улар қариган ота-оналарини қариялар уйига топширмоқдалар.

Айрим фарзандлар ўз ота-оналарини урмоқдалар, қатто ўлдирмоқдалар ҳам.

Хўш, бундай тубанликнинг илдизи қаерда? Бизнингча, бунинг илдизи ўша ноқобил фарзандда исломий иймон, эътиқоднинг йўқлигида, тарбия ишларидаги нуқсонларда.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Ота-онани улуғлаш ҳақида Ҳадиси шарифда нималар дейилганлигини сўзлаб беринг.

2. "Жаннат оналар оёғи остида" ҳадисининг мазмунини изоҳлаб беринг.

3. Фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчлари.

4. Фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчларини ҳар доим ҳам бажармаётганлиги қандай оқибатларга олиб келмоқда?

5. Сиз ота-онангиз олдидаги бурчингизни англаб олдингизми? Агар англаб олган бўлсангиз бу ҳақда тезис тузинг.

7-ДАРС. ОИЛА МУҚАДДАСДИР

РЕЖА:

1. Ҳадиси шариф оила, оиланинг поклиги ҳақида.

2. "Оила" жамиятнинг бошланғич бўғини. Оила аъзоларининг бурчлари.

1. Оила инсонлар учун ҳамиша муқаддас, улуғ даргоҳ бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Қуръони Каримда ва Ҳадиси шарифда ҳам оила, оила қурмоқ ва оила аъзоларининг бурчлари ҳақидаги масалаларга кенг урин берилган.

Маълумки, оила никоҳ асосида вужудга келади. Никоҳ бу илоҳий аҳд, бинобарин, оила муқаддасдир. Қуръони Каримнинг "Бақара" сурасида бундай дейилган: "Хотинларингиз зироатгоҳларингиздирлар". Бу сўзлар оила қуришдан биринчи мақсад зурриёт қолдириш эканлигининг тасдиғидир.

Ҳадиси шарифнинг муайян қисмида оила, оиланинг поклиги ва мустаҳкам бўлишига онд қимматли фикрлар мавжуд. Мана ўша ҳадислардан намуналар:

– "Кимгаки Аллоҳ таоло солиҳа хотин насиб этган бўлса, динининг ярмига ёрдам қилибди, қолган ярмига ўзи тақво қилсин".

Бу ҳадис халқимизнинг "Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин", деган мақолига монанддир.

— "Хотинларнинг баракатлироғи уйланиш харажатлари енгилдир", дейилади Ҳадиси шарифда.

Маълумки, Ислом туй базмини инкор этмайди. Бу фикрни қуйидаги ҳадислар ҳам тасдиқлайди:

* "Туйда зиёфат бермоқлик—туғри ишдир".

* "Бир қуй суйиб бўлса ҳам туй (зиёфат) қилмоқ керак!"

Бу ҳадислар туйларимиз ҳаддан ташқари дабдабали, ким узарга булмаслиги, оила қарзга ботиб, хонадондан қут-баракка кутарилмаслигига йўлланма бўлади.

Ҳадисларда оила қурган томонлар узаро аҳилликда, муросада яшашга чақирилади. Оилада эрнинг эрдай, хотиннинг хотиндай урни борлигини тан олишга даъват этилади. Ана шу қоидага амал қиладиган оилаларда кўнгилсиз можаролар рўй бермайди:

* "Қайси бир хотин эрининг розилигисиз кўчага чиқса, Аллоҳнинг ғазабида бўлади!"

* "Аёл уйига эрининг рухсатисиз бирор кишининг кирмоғига изн бермасин ва унинг рухсатисиз бирор нарсани содир қилмасин!"

Бу ҳадислар халқимизнинг "Эр рози—худо рози" деган мақолига ҳамоҳангдир.

Мана бу ҳадиснинг мағзини чақиб кўрайлик;

"Хотин кишига энг ҳаққи кўп киши эридир, эркак кишига энг ҳаққи кўп киши онасидир!"

Маълумки, жанжалсиз оила бўлмайди, албатта. Бунга кундалик ҳаётимиздан истаганча мисол келтириш мумкин. Ҳамма гап оилавий жанжал, кўнгилхирачилик рўй берганида уни қандай бартараф этишда.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп тортиб кўрган оналар ўғли билан келинининг ўртасида "гап қочганида" келинининг тарафини оладилар, чунки улар келинини ўз қизи ўрнига қўйиб кўрадилар.

Қизини турмушга берганларида эса ҳар гал қизига: "Турмуш ўртоғингни ҳурмат қил",—деб тайинлайдилар.

Маълумки, оила поклик, садоқат асосига қурилмоғи даркор. Шунинг учун ҳам Ҳадиси шарифда бундай дейилади:

"Кимки зино қилса, то уни тарк этгунга қадар ундан иймон чиқиб кетади".

2. Жуфт бўлиб яшаш — бу табиат қонунидир. Шунинг учун барча жонзотлар жуфт бўлиб яшайди.

Оила жамиятнинг бош бўғини. У тирик онгли вужудлар

иттифоқи. Айни пайтда, оила-бу фақат турмуш қурган томонлардангина иборат эмас. Оила-бу уларнинг фарзандлари, энг яқин туғишганларидан (ота-она, қайнота, қайнона ва бошқалар) иборат кишилар гуруҳи ҳамдир.

"Иттифоқ" сўзи эса аҳиллик, тотувлик деган маъноларни ҳам англатади. Оилаларда қанчалик аҳиллик, тотувлик ҳукм сурса, у шунчалик мустаҳкам бўлади. Бироқ оилавий аҳиллик, тотувлик ўз-ўзидан қарор топиб қолмайди. Оиладаги аҳиллик, тотувлик-оила аъзоларининг ўз бурчларига қанчалик садоқат билан амал қилишларига боғлиқдир.

Маълумки, ота(эр)- оиланинг устун, оила бошлиғи. Унинг бу мақомни оқлаши биринчи навбатда унинг ўзига боғлиқдир. Оилали эркак ўз рузғори туғрисида муттасил қайғуриши, унинг моддий ва маънавий таъминоти учун ўзини масъул деб билиши лозим. У ўз маблағларини, диққат-этиборини ва муҳаббатини ўз оиласидан бошқа жойларга қаратишини ислом қатъий манъ этади.

Ота (эр) оиланинг бутун нкир-чикирларидан огоҳ бўлиши, юз берган оилавий муаммоларни ҳал этмоғи лозим.

Ота (эр) ўзининг аёли билан юмшоқ муомалада бўлиши, арзимаган нарсаларга жанжал кутармаслиги, аёли ва бошқа оила аъзоларининг камчиликларига кечиримли ҳам бўлмоғи лозим.

Жаноб Расулуллоҳ бундай деганлар:

* "Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳли-аёлига яхши муомалада бўлганларингиздир".

* "Ўз жуфти ҳалолига беҳурматлик ва таҳқир назари билан боқувчи эр энг лайиш ва ҳақир одамдир".

Минг бор ҳақ курсатмалар булар. Зеро аёл киши заиф ва нафис инсондир.

Айни пайтда, оила мустаҳкамлиги, поклиги, оилада ўзаро ҳурмат, самимийлик муҳитининг ҳукм суриши аёлга (хотинга) ҳам боғлиқдир. Ахир халқимизда "Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотиндир", деб бежиз айтишмаган-ку.

Шундай экан, аёл (хотин) эрини ҳурмат қилиши, уни оила бошлиғи деб тан олиши, итоат этиши, болаларига оталари ҳақида фақат яхши гапларни гапириши, эри ишдан қайтганда уни яхши хулқ билан кутиб олиши, ширин сўзлар айтиши, ишга кетаётганида эса кўча кийимларини тайёрлаб қўйиши лозим. "Эрнинг қадрига етмаслик куфрга яқин нарсадир", - дейилади Ҳадиси шарифда.

РИВОЯТ
АҚЛЛИ ХОТИНЛАР ЭРЛАР БАХТИ

"Бир одам жуда ақлли ва одобли қизга уйланди. У бу бахтдан жуда мамнун, уйларида ғалва, ғавго йўқ.

Бу йигит бир кун дўстларининг ҳузурига борди. Улар ўз хотинларини қандай урганликлари ҳақида мақтаниб гапирдилар. Йигит ҳайрон бўлиб улардан сўради:

– Нега хотинларингизни урасизлар? Ҳеч гуноҳи йўқ хотинни қандай уриб бўлади?

Бу саволга дўстларидан бири жавоб берди:

– Дунёда энг осон нарсa – бу хотинни уриш. Бунинг йўли жуда осон. Мана, уйингга бир қадоқ қийма гўшт олиб бор. Хотиннинг овқат қилиб келади. Шунда сен бу овқатни емайман, бошқа овқат олиб келасан, деб талаб қиласан. Қарабсанки хотинни уриш учун баҳона тайёр.

Йигит эртасига кечқурун уйига келиб, дастурхон олдига ўтирди. Хотини қийма солиб тайёрланган шўрва олиб келди. Шунда йигит хотинини жеркиб деди:

– Мен картошка билан қийма ейишни хоҳлайман.

– Картошкали қийма ҳам бор, – деди хотини.

– Мен узум баргига ўралган қиймани хоҳлайман, – деди йигит.

– У ҳам бор, – деб жавоб қилди хотин.

Эрининг одатларини жуда яхши билган ақлли хотин эри хуш кўрган нарсани қўлидан келганча ҳаракат қилиб тайёрлаб қўйган эди.

Мулзам бўлган йигит эртасига яна дўстлари олдига чиқди. Улар дарҳол қизиқиб сўрадилар:

– Нима бўлди? Хотинингни урдингми?

Йигит бўлган воқеани сўзлаб берган эди, дўстлари деди:

– Сен бахтли экансан, хотининг ақлли, чаққон аёл экан".

Бу ривоятдан хулоса шулким, иймонли, яхши феъл-атворли эр ҳеч бир гуноҳи йўқ хотинига қўл кўтармайди. Беғуноҳ аёлларга қўл кўтариш мусулмонликка ҳам, инсонликка ҳам ярашмайди.

Хотин эрининг маслаҳатсиз бирор-бир иш қилмаслиги, оиласининг насл-насабини покиза сақлаши, ўзининг кийимларини бировнинг уйида қолдирмаслиги, уй-рўзғор ишларида тежамкор бека бўлиб, исрофгарчиликка йўл қўймаслиги лозим.

Қайси бир оилада она (хотин) иффатли, одобли, қаноатли,

диёнатли бўлса, ўша оиланинг фарзанди ҳам одобли, чин инсоний фазилатлар эгаси бўлиб вояга етмоқда. Аксинча, оилада эрининг ўрнини камситиб, бошқа эркаклар билан бемулоҳаза юрган хотинларнинг фарзандлари кўп ҳолларда ўғри, беодоб, беандиша, худбин ва ёлгончи бўлиб ўсмоқдалар.

Энди икки оғиз сўз ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги вазифалари тўғрисида.

Қуйидагилар ота-оналарнинг ўз фарзандлари олдидаги шаърий вазифалари ҳисобланади:

- * Фарзанд туғилганида иложи бўлса, қудрати етса бир қуй суйиб ақиқа қилиш. Унга яхши одамларни чақириб, уларнинг дуосини олиш.

- * Фарзандига яхши ном қўйиш.

- * Илм ўргатиш, илм олишга қодир бўлмаса бирор ҳунар ўргатиш (Жаноб Расулуллоҳ ҳар бир отага ўғлига сувда сузишни, отда юришни, камондан ўқ отишни ўргатишни буюрган эдилар).

- * Дунёвий ишларни мукаммал эгаллаб олиши.

- * Одоб ўргатиб, яхши тарбия беришлиқдир.

Болалар тарбиясида отанинг адолатли қаттиққўллиги, онанинг эса меъёр даражасидаги меҳрибонлиги катта аҳамиятга эга.

Оиладаги умумий соғлом муҳит меҳр-муҳаббатга, оқибатга, ўзаро ҳурматга, тинч-тотувликка, ота-онанинг билим савиясига, иймон-этиқодлигига, дунёвий ва диний илм-маърифатдан хабардорлигига, нималарни биринчи даражада, нималарни кейинги ўринда кўришига, моддий ва маънавий бойликка муносабат каби масалаларга боғлиқдир. Шундай экан, бўлажак ота-оналар бу ҳақда ўйлаб кўрмоқлари лозим бўлади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Нега оила муқаддас даргоҳ дейилади?

2. Оилани мустаҳкамлашга хизмат қилувчи омилларни топинг ва уларни дафтарингизга кўчириб ёзинг.

3. Оила қурганларнинг ўзаро бурчлари, вазифалари ҳақидаги фикрларни таққосланг ва нега исломда отани оила бошлиғи этиб тан олинганлигини изоҳлаб бering.

4. Ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги бурчларини қайд этинг.

5. 1998 йилда – оила йили муносабати билан Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилган тадбирлар ҳақида маълумот тайёрлаб келинг.

8-ДАРС. ҲАДИСИ ШАРИФ ОДАМИЙЛИК ҲАҚИДА

РЕЖА:

1. Одабийлик – бебаҳо хислатдир.
2. Ҳадиси шариф одабийлик ҳақида.

1. Одабийлик одобдан келиб чиқади. "Одоб" сўзи арабча "адаб" сўзининг ўзбек тилида ифодаланишидир. Одоби инсон дейилганда тарбия кўрган, гузал хулқли, ахлоқли инсонлар тушунилади. Шунинг учун ҳам одобли кишилар эл ўртасида эъзозланадилар. Одоб – бу тарбиянинг меваси, барча фазилатларнинг шаъни ва ҳикмати дир.

Ўз даврининг гузал ахлоқий сифатлари руҳида тарбияланган инсонларда одабийлик фазилати ниҳоятда чуқур қарор топган бўлади.

Одабийлик бу – кишиларнинг ўзаро муносабатларида, муомала ва хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган инсон-парварликни ифодаловчи ахлоқий фазилатдир. У ўз навбатида меҳрибонлик, кишиларга ҳурмат, яхшилик, хайрихоҳлик, ишонч, олижаноблик, ростгўйлик, камтарлик, самимийлик ва адолатсизликка нисбатан муросасиз бўлиш каби хислатларни ўз ичига олади.

Халқимиз орасида "ҳотамлик қилди", "ҳотамтойлик қилди" деган ибора кўп ишлатилади. Ҳуш, бу ибора қандай маънони англатади?

Ҳотамлик—бу одабийликнинг, одамгарчиликнинг юқори намунасидир. Бу ибора араб шоири Ҳотам ат-Тоий номи билан боғлиқдир (ат-Тоий ибн Абдуллоҳ ибн Саъд). У VI асрнинг иккинчи ярмида яшаган ва ўта саҳий инсон бўлган. Унинг олижаноблиги, инсонийлиги шу даражада бўлганки, у ҳатто ўз эҳтиёжини ҳам ўйламай одамларга саҳийлик, одабийлик қилган. Унинг ҳаддан ташқари бундай ишларига чидай олмаган отаси, ҳатто уни тарк этган. Ана шу одабийлиги учун кейинчалик ат-Тоий саҳийлик тимсоли бўлиб қолди. Вафотидан сўнг унинг қабри зиёратгоҳга айланди.

Одабийлик халқимизнинг улугъ фазилати сифатида асрлар оша эъзозланиб келинмоқда.

Одабийлик—бу ҳар қандай кишининг қадр-қимматини эъзозлаш, ўзига ўзи ва жамиятга бўладиган муносабатларида инсонийликни намоён этиш, ўзининг ва бошқаларнинг қадр-қимматини ҳурмат қилишдир.

Одабийликнинг туб моҳияти—бу азиз инсон зотини ҳурмат

қилиш, унинг бахт-иқболи йўлида доимо фидокорлик билан курашиш ва ғамхўрлик кўрсатишдир.

Буюк бобокалонимиз Юсуф Хос Ҳожиб бундай деб битган эди:

Сенга ким қиларкан одамгарчилик,
Жавоб бер унга сен қилиб яхшилик.
Вафога вафодор кишилик қаққи,
Вафо қил, одил бўл, ном ол мангулик.

Ўзбек халқининг буюк мутафаккири Навоий ҳазратлари ҳам дили, ҳам тили, ҳам кундалик фаолияти билан том маънода одамий инсон бўлган. Шунинг учун қуйидаги байтни фақат угина бита олган эди:

Одами эрсанг демагил одами,
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.

Чин инсон бошқаларга ҳеч бир озор етказмайди, такаббурлик қилмайди, ҳеч кимга ҳақорат кўзи билан қарамайди, ёлгон сўзламайди, ростгўй бўлади. Ўзидан катталарга ҳурматда, кичикларга шафқатда бўлади. Юзлари кулиб туради, ширин сўзли ва хушмуомалали бўлади. Бировга берган ваъдасига вафо қилади, айтган сўзида туради.

Иғво, ғийбат ва мунофиқликдан ўзини сақлайди. Барча яқинлари, уруғлари, қўни-қўшнилари билан алоқани узмайди. Улар билан самимий муносабатда бўлади.

Ёмон йўللардан, ярамас ишлардан, ноҳўя ҳаракатлардан ўзини сақлайди. Бундай гузал хислатларнинг манбаи — мукаммал тарбиядир.

2. Ҳадиси шарифда одоб, одамийлик хислатлари жуда улуғланади.

Масалан, Имом ал-Бухорийнинг "Аль-Жомий ас-саҳийҳ" асари 4-жилдининг бир бўлими "Адаб китоби" деб аталади ва бу бўлим 126 ҳадисни ўз ичига олади.

Мазкур ҳадислар инсонларни меҳрибон булишга ва бу меҳрибонликни биринчи навбатда қариндошларга мурувват кўрсатмоқликдан бошлашга чақиради ҳамда бу меҳрибонликни муҳим инсоний фазилат деб ҳисоблайди:

"Жаннатта кирмоғинг учун Аллоҳ таолога ҳеч нарсани ширк келтирмай ибодат қилмоғинг, намоз ўқимоғинг, закот бермоғинг ва қариндошларингга мурувват кўрсатмоғинг даркор".

"Қариндошларга меҳр-оқибатсиз одам жаннатга кирмағайдир".

• "Кимки ризқим улуғ, умрим узоқ бўлсин деса, қариндош-уруғларига меҳр-оқибатли бўлсин".

• "Кимки қариндош-уруғларига меҳр-оқибатли бўлса, Аллоҳ таоло ҳам унга меҳр-оқибатли бўлади!"

Маълумки, одамийлик тушунчаси инсонларнинг бир-бирига кўмаклашуви, яхшилик қилиш хислатларини ҳам ўз ичига олади. Бу борадаги ҳадислар умуминсоний қадриятларга ҳамроҳандир:

• "Бир-бирингизга кўмак қилингиз, савобга қолгайсиз".

• "Яхшиликка кўмак берган киши яхши насиба олғусидир, ёмонликка кўмак берган киши ёмон насиба олғусидир".

Одамийлик инсонпарварлик хислатларини ҳам ўз ичига олади.

Инсонпарварлик — бу кишиларга адолат, шафқат, меҳрибонлик, ҳиммат, саховат, олижаноблик кўрсатиш демакдир.

Инсонпарварлик — кишиларга, турли миллат халқларига нисбатан меҳр-муҳаббат ҳиссини пайдо қилади, адолатсизлик, тенгсизлик, текинхўрлик, виждонсизлик каби ахлоқ-одобга зид хатти-ҳаракатларга муросасизликни шакллантиради.

Инсонпарвар киши — бор кучини бошқалар учун сарф қилади. У доимо самимий бўлиб, одамларга завқ-шавқ бағишлайди.

Кишиларнинг ҳаётига, уларнинг урф-одатларига, эътиқод ва интилишларига ҳурмат билан қарайди.

Халқимизнинг маънавий қиёфасини белгилайдиган меҳмондўстлик, катталарга ҳурмат, серфарзанд оилаларга ғамхўрлик қилиш, тўй ва маросимларда ўзаро ёрдамлашиш, ҳашар қилиш, ҳимматли бўлиш, оила бузилишларининг олдини олишга кўмаклашиш каби удумларимиз инсонпарварликнинг мағзини белгилайди.

Инсонпарварлик фазилатлари орасида бемор ётган кишини кўргани бориш одати алоҳида ўрин тутаяди ва Ҳадиси шарифда бу фазилат ниҳоятдан улуғланади:

• "Ким бир биродарининг бетоблигини сурагани борса, у жаннатнинг боғида бўлади".

• "Бир киши бетоб одамни бориб зиёрат қилса, Аллоҳнинг раҳматида юради, агар у бемор ёнида ўтирса, раҳмат ичра чўмган бўлади".

Ҳадиси шарифда одамийликка зид бўлган манманлик, калондимоғлик, кибр каби иллатлар қораланади:

• "Аҳли дўзах кимлар эканлигини айтайми? Ҳар бир қўпол, қуруқ гердайган, беқанот ва димоғдор одам аҳли дўзахдир".

Хулоса қилиб айтганда, одамийлик — бу олижаноб фазилат. Агар одамийлик бўлмаганида, кишилик жамиятининг ҳайвонот олаmidан фарқи қолмаган бўлур эди.

РИВОЯТ

ҲИКМАТЛИ САВОЛ-ЖАВОБЛАР:

Қадимга Эрон донишманди Бузургмехр бир қинд донишманди билан ахлоқ-одоб борасида суҳбатлашарди:

— Қайси хислат одамни паст мартабадан аъло даражага кўтаради?

— Ақл ва тамиз.

— Одам нимаси билан одам бўла олади?

— Одамгарчилиги билан. Агар одамда бу хислат бўлмаса, унинг ҳайвондан фарқи йўқдир.

— Адаб, тарбия одамга қандай фойдалар етказади?

— Адабли, тарбияли одам бошқаларга муҳтож бўлмайди, балки улар бунга муҳтож бўладилар. Ҳамма адабли, тарбияли одамни дўст тутати.

— Ҳаммадан қам аччиқ нарса нима?

— Пасткаш, ноаҳил одамларга муҳтожлик.

— Қайси нарсалар одамларга алам ва пушаймонлик келтиради?

— Ғазаб, такаббурлик ва ноҳуя ҳаракат.

— Қандай одамларни ақлли ва қандай одамларни зийрак, деб айтамыз?

— Бир ишга киришмасдан аввал унинг оқибатини яхшилаб ўйлаб, сўнг у ишга киришган одамни ақлли, кейин келадиган воқеани илгарироқ сезиб, унинг чора ва тадбирларига киришган одамни зийрак, деб атаймиз.

— Қайси нарсалар инсон учун айб саналади?

— Бахиллик, ёлғончилик, чақимчилик, дўстларининг озгина камчиликларини кўриш билан улардан юз ўгириш, ўз айбини кўрмай, бошқаларнинг айбларини ошкор қилиш.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Одамийлик нима ва у инсоният ҳаётида қандай ўрин тутати?

2. Одамийликка онд ҳадисларни дафтарингизга кўчириб ёзинг.

3. Отангизнинг исми ва исмларингизни кўрсатмаган ҳолда ўзингизда

одамийликнинг қайси хислатлари мавжудлигини ҳамда одамийликка хос бўлмаган қандай қусурлар борлигини алоҳида бир варақча ёзиб чиқинг.

9-ДАРС. ДЎСТЛИК, ДЎСТЛАРГА САДОҚАТ ҲАҚИДА

РЕЖА:

1. Ҳадиси шариф дўстлик ҳақида.
2. Дўстларга садоқатли бўлинг.

Дўстлик! Бу сўз дарёлардан азим, тоғлардан улкан, тўфонлардан қудратли, қуёш янглиғ туйғудир. Дўстлик билан ҳар қандай мушкулотни, бало-офатни даф этиш, ҳар қандай душманни енгиш, ҳар қандай тўсиқни янчиб ўтиш мумкиндир.

Дўстлик бор экан, ҳар қандай оғир мушуқулар осон бўлади, дўстлик бор экан, ҳал этилмайдиган муаммо қолмайди. Ҳақиқий дўстлик олдида улкан тоғлар ҳам эгилади, ҳатто ўлим ҳам чекинади.

Дўстлик-кенг маънода кишиларнинг ишлаб чиқариш ва турмуши жараёнида шаклланадиган барқарор муносабатини, шунингдек жамоа, миллат, халқлар ўртасидаги ўзаро яқинликни ифодаловчи ахлоқий муносабат шакли.

Дўстлик ўзаро кўнгил яқинлиги, ҳамкорлик қилиш асосида, умумий манфаатлар, умумий ишонч ва эътиқод, умумий дунёқараш асосида пайдо бўлади ва мустаҳкамланади. Дўстлик, айни пайтда, маънавий бирлик асосига қурилган бўлиб, у ижтимоий манфаатларга хизмат қилиш заминида бир-бирини ҳимоя қилиш, ўзаро ҳурмат, ишонч ва ёрдам орқали мустаҳкамланиб боради.

Тор маънода олганда дўстлик асосан икки шахс ўртасидаги ахлоқий муносабатларни ифодалайди. Шу маънода олганда, инсон учун ота-онадан кейин қариндош-уруғлар қаторидаги энг меҳрибон одам, бу-унинг дўстидир.

Инсон фарзанди ота-онасиз ўзини қанчалар ғарибу бечора сезса, дўстларсиз ҳам дили мажруҳ бўлади. Шунинг учун ҳам дўсти йўқ одам – бахтсиз одамдир, дейди донолар.

Ҳадиси шарифда кишиларнинг ўзаро дўст бўлиб яшашлари ҳақида қуйидагилар айтилган:

* "Ҳеч ким ҳеч кимдан ортиқ эмас".

* "Ўзингга назар қил, сен қизил ёки қора танли одамлардан афзал эмассан".

♦ "Булиниб кетишдан сақланинглар".

♦ "Кимки кўпчиликдан ажралса, дўзахга йўл олган бўлади".

♦ "Дўстликни мустаҳкамлайдиган нарсани сизларга айтайми? Саломни ўз ораларингизда кенг ёйинглар".

♦ "Дўсти ҳақида билганларини ўзгаларга айтиб мақтамоқ жоиздир".

Чиндан ҳам "дўст", "дўстлик" сўзи ҳамиша муқаддас саналган, ҳозир ҳам шундай. Бу сўз – муъжизалар калити, омад, бахт, саодат манбаи.

Инсоннинг азал-азалдан ўзига дўст излашининг, қувонч ва ташвишларини дўсти билан баҳам кўришга интилишининг сабаби ҳам шунда десак хато бўлмас. Бу сўзлар мазмуни ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, қуйидаги ҳикматлар бекорга айтилмаганлигига имон келтирамиз:

Дўстинг билан сирдош бўл,
Қилган ишига қўлдош бўл.

Кучи кўп бирни йиқар,
Дўсти кўп мингни.

Бир дўстинг бор – бахтинг бор,
Кўп дўстинг бор – тахтинг бор.

Ака-ука таянч,
Дўст ҳар икковидир.

Дарахт илдизи билан кучли,
Одам дўстлари билан.

Ҳа, шундай. Дўсти йўқ киши бахтсиз киши деб ҳисобланади.

Дўстлик туфайли баҳодирлар ҳайбатли тоғларни тенг ажратиб, ўзларига йўл очадилар, ундан каналлар ўтказадилар.

Дўстлик туфайли баҳодирлар азим дарёларни кечиб ўтадилар ва мақсадлари сари интиладилар.

Дўстлик туфайли баҳодирлар чўлу биёбонларни боғу роғларга айлантирадилар.

Дўстлик туфайли баҳодирлар, Ватаннинг мард ўғлонлари душманни мағлуб этадилар, ўз халқининг, Ватанининг бахт-саодатини таъминлайдилар.

Ҳа, дарёдан зўр, жаладан кучли, бўрондан қудратли, қу-

ёшдан ҳароратли, халқнинг ва Ватаннинг таянчи — дўстлик-дир.

РИВОЯТ

Бўрон деди:

— Кучда менга тенг келадигани йўқ. Менинг қудратим олдида ҳеч нарсаси бардош бера олмайди. Истасам, дов-дарахтни илдиз-пилдизи билан суғуриб ташлайман. Хоҳласам, тоғни талқон қиламан. Истасам, боғларни сойга улоқтираман. Истасам, қуёш юзини тўсиб, дарёлар ўзанини ўзгартира оламан. Ҳа, мен ана шундай даҳшатлиман.

Жала деди:

— Эй бўрон, сен менчалик эмассан. Мана мени зўр деса бўлади. Жаҳлим чиқиб, қаҳрим қузиб, бир қуйсам борми, сени тинчитаман, ер юзини сувга бостираман. Ҳеч ким, ҳатто сен ҳам қочишга жой тополмай қоласанлар.

Дарё деди:

— Э, намуноча мақтанасанлар. Минг мақтансанглар-да, бу дунёда энг зўри мен. Сен Бўронвой, менга йўлиққанингда ўзингдан тинчийсан. Жалабой, шуни унутмагинки, сен менга қўшилганингагина кучлисан. Акс ҳолда, сени замин ютиб юборади. Сен унинг олдида ҳеч нарсаси эмассан.

Қуёш деди:

— Нима деб вақиллаяпсанлар, ўзи? Менинг ҳароратимга бардош беролмай тўрт томонга қочиб кетасанлар-ку.

Дарё деди:

— Бекордан бекорга тортишмайлик, келинглари, яхшиси ким кучлилигини одамдан сўраб қўя қолайлик.

Қуёш одамга деди:

— Эй, одамзод, сен бизга бир муаммони ҳал қилиб берма-санг оқибати ёмон бўладиганга ўхшайди.

Одам рози бўлди.

Бўрон деди:

— Дунёда энг зўр ким? Менми ёки бошқами?

Одам деди:

— Йўқ, сен эмассан. Сени жиловлаб қўювчи куч-қудрат бор.

Жала деди:

— Бўлмаса менми?

Одам деди:

— Сен ҳам эмассан. Сенинг ҳам йўлигини тўса оладиган куч-қудрат бор.

Дарё деди:

– Бурон, Жала қудратли куч булмаса, унда мен эканман-да, уша қудратли куч.

Одам деди:

– Дунёда шундай бир куч борки, у сени ҳам жиловлаб олиб, истаган куйига сола олади.

Одамнинг бу сўзларини эшитган Қуёш деди:

– Мен энг зурман, деб айтмабмидим. Қаҳримга олсам, ер юзини буткул жизғанақ қила оламан.

Одамзод деди:

– Эй, Қуёш, қудратлисан, лекин куп катта кетма. Сени ҳам измига сола оладиган қудратли куч бор.

– Хуш, ким ўзи уша қудратли куч?– деб бараварига сўрашди жаҳддан дарғазаб бўлган Бурон, Жала, Дарё ва Қуёш.

Одам деди:

– Бу қудратли куч– Дўстлик! Дўстлик бор жойда сенлар ҳеч нарса эмассанлар.

2. “Дўстларнинг Аллоҳ ҳузурида энг яхшиси ўз дўстига яхши бўлганидур”,– дейилади Ҳадиси шарифда. Минг бор ҳақ гап.

Инсон боласи дунёда умр бўйи ўзига содиқ дўстлар орттиришга интилади. У ўқишда, меҳнатда, узоқ сафарда, одамлар орасида ўзига феъл-атвори, муомаласи билан тўғри келиб, ўзига ёқиб қолган киши билан дўстлашади.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидламоқ жоизки, дўстлик дегани жуда нозик масала.

Дўстликни авайлаб асраш лозим. Бировни дўст тутиш аввало кишининг чинакам одобли бўлишини, ҳақиқий меҳрибон ва садоқатли кишиларга эргашишни тақозо этади.

Дўстлик инсоннинг болалигидан бошланади. Болаликда орттирилган дўст одамзотнинг кейин – улғайган ва камолотга етишган даврида орттирган дўстлари орасида алоҳида ўрин тутади. Ҳаётда ўз ўрнини топган инсон, ким бўлиб етишганидан қатъи назар, болалик йилларини эсламай иложи йўқ, албатта. Ана шундай пайтларда беғубор ёшлик, болалик йиллари, бу йилларда орттирилган дўстлар соғинч билан ёдга олинади.

Шунинг учун ҳам дўстликни болаликдан қадрлай билмоқ, дўстга меҳр-муҳаббат қўймоқ, унга ишонч билдирмоқ ва дўстнинг ишончини қозонмоқ – юсак фазилатлардандир. Болаликдан бу фазилатларни эгаллашга интилган киши улғайгач, энг меҳрибон, энг содиқ дўстларга эга бўлади. Бундай садоқатли дўстлари бор одамнинг оғири ҳамиша енгиллашади, иши олдинга юради. Шунинг учун дўст орттирмоқ даркор.

РИВОЯТ

"Бир подшоҳ ўз ўғилларига ўзингизнинг номингизни қолдириб, работ қуриб, деб бойлигидан берибди. Катта ўғли номим қолсин деб ўзига ҳашаматли мақбара солдирибди, ур-танча ўғли боғ-роғ қурибди. Кенжаси эса дўст орттирибди. Буни эшитган ота:

– Вақти соати келиб мақбара нураб битади, боғ-роғ қурийди, аммо мустаҳкам дўстлик ҳамма нарсага бардош беради, кенжам туғри йўл тутибди, дебди ва ворисликни кенжа ўғилга топширибди."

Дўстликни ҳаётнинг ўзи кўпгина синовлардан ўтказлади. Шу синовларда синалган ва ҳаётнинг ҳар қандай оғир дамларида ҳам сен учун жонини фидо қилишга тайёр турган дўстгина ҳақиқий дўст бўла олади. Бу фикрни қуйидаги ҳикматлар ҳам тасдиқлайди:

Чин дўст бошига иш тушганда синалар.

Чин дўст туғишгандан аъло.

Арпа-бугдой бир кунингга ярайди.

Содиқ дўстинг ўлгунингча ярайди.

Чинакам дўст айтган ҳар ўғит, масал

Сирти заҳар эрур, томири асал.

Уруш – ботирни, жаҳл – донони, йўқчилик – дўстни синайди.

Агар кимки ўзининг жамият учун фойдали инсон бўлишини истаса, у илм-ҳунар эгаллаши ва дўст орттириши лозим. Чунки илмсиз одам жоҳил бўлади, ҳунарсиз одам эса ялқов, дўсти йўқ одам эса бахил бўлади.

Дўстингиз билан дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун ҳаётда қуйидагиларга амал қилмоқ зарур:

* Дўстингиз бетоблигида, бошига бирор мусибат тушганда энг яқин, меҳрибон одами бўлинг.

* Жаноби Расулulloҳ ўз дўсти Абу Бакр Сиддиқ ҳазратларининг уйига бир кунда икки маҳал келиб (эрталаб ва кеч-қурун) турганлар. Ҳадиси шарифда бир киши дўстини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга: "Ҳаётинг яхши ўтсин! Яхши иш қилдинг ва жаннатдан ўзинг учун жой ҳозирладинг", дейилади.

* Дўст бошига бирор кулфат тушганда унинг ёнида бўл-

моқ, мадад бермоқ керак. Шундай қилинганда, дўстингиз гап-гуассасининг тафти пасаяди.

* Бирор сабаб билан ҳаётда дўстингизнинг қули паст келиб қолган дамларда, иши юришмай ночорликка тушганида биринчи бўлиб ёрдам қулини чузмоқ керак. Бинобарин, садоқатли дўст шундай кишики, у ҳеч қачон ўз дўстидан ҳеч нарсасини аямайди.

РИВОЯТ

Бир қишлоқда икки дўст яшар экан. Улар шунчалик бири-бирига қадрдон эканларки, ҳатто бир майизни ҳам ўртада баҳам кўришар экан. Бирининг исми Ҳусан, иккинчисининг исми Муҳаммад экан.

Кунлардан бир кун Ҳусан оғир касал бўлиб ётиб қолибди. Унинг умри тугаб бораётган экан. Ёш йигитнинг умри тугаётганига ҳатто ўлимнинг ҳам раҳми келиб сўрабди: "Мен сенга ота-онангдан умр сўрайман. Сен яшашинг керак". Ҳусан рози бўлибди.

Ўлим Ҳусаннинг отасига дебди:

— Эй, ота, сеvimли болангни чиндан ҳам яхши кўрсанг, умринингнинг озгинасини унга қарзга бергин.

Ота нима дейишини билмай бироз лол қолибди.

Ўлим яна сўрабди:

— Ўғлингни яхши кўрасанми?

Ота:

— Яхши кўрганда қандай. Агар керак бўлса умримнинг ярмини ҳам ундан аямайман.

Ўлим:

— Ярмини эмас, озгинасини берсанг бўлди. Мен уни ўзим билан олиб кетмайман.

Ўғли учун умрини беришга рози бўлган ота бир қарорга келишдан олдин бироз ўйланиб қолибди. Ахир, ҳар қалай жон ширин-да.

Ўлим шунда Ҳусанга юзланиб дебди:

— Энг яқин кишиларингдан яна ким қолди?

Ҳусан:

— Муҳаммад деган бир дўстим бор.

Ўлим Муҳаммаднинг олдига бориб бор гапни унга айтибди.

Шунда Муҳаммад дебди:

— Умримнинг озгинасини эмас, дўстим учун барини ола қол.

Бу жавоб Ўлимнинг ҳам кўнглини юмшатибди. Энди у

қандай бўлмасин Ҳусаннинг ҳаётини сақлаб қолишга қарор қилибди. Шунинг учун Ҳалим Ҳаётнинг олдида бориб, дебди:

– Ҳаёт, сен билан биз ашаддий душманмиз. Бироқ бир йигит туфайли сенинг олдинга келдим. У йигитга Муҳаммад деган дўсти бутун умрини беришга ваъда қилди. Мен ниятимдан қайтдим. Энди сен марҳамат қил, уларга кўпроқ умр бер. Мен розиман.

Ҳаёт бу таклифга рози бўлибди. Шундай қилиб, Муҳаммаднинг содиқ дўстлиги туфайли қўшимча ҳаёт бахшида этилибди.

Дўстлар бўлишса чин қадрдон,
Ўлимни енгилсиз ҳам топилар имкон.
Ёки:
Жаҳон шодликлари йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Сиз дўстлиқни қандай тасаввур қиласиз?
2. Садоқатли дўстлар ким? Ҳаётдан ўзингиз мустақил мисоллар келтиринг.
3. Мавзуда келтирилган дўстлик ва дўстга садоқат ҳақидаги қайси фикрлар сизга айниқса маъқул бўлди?
4. Эркин Воҳидовнинг "Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам" битигининг мазмунини изоҳлаб беринг.

10-ДАРС. ҲАЛОЛ ЯШАМОҚ ИЙМОНДАНДИР

РЕЖА:

1. Ислоҳда ҳалол ва ҳаром тушунчалари.
2. Ҳалол яшашмоқ иймондандир.

1. "Ҳалол" (арабча сўз) – бу шариат нуқтаи назаридан Аллоҳ таоло тарафидан қилинишга рухсат этилган хатти-ҳаракатлар ва ишлардир. Шунингдек, – тоза ва пок ҳисобланган озиқ-овқатлардир. "Ҳаром" (бу ҳам арабча) дейилганда эса шариатда мусулмонлар учун қатъий таъқиқланган хатти-ҳаракатлар, ишлар, шунингдек, ейиш ман этилган озиқ-овқатлар тушунилади.

Қуръони Каримнинг "Бақара" сурасида Аллоҳнинг қуйидаги каломини ўқиймиз: "Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз – покиза нарсалардан енглар... У сизларга фақатгина ўлакса, қонни, тўнғиз гўштини ҳаром қилди".

Аллоҳ таоло қаром этган ишларга – соғ бўлса-да ишсиз юриш, зинокорлик, ота-онага оқ бўлишлик, фолчилар сўзига ишониш, сеҳр-жоду билан шуғулланиш, ирим-сиримларга берилиш, савдо-сотикда ғирромлик қилиш, қасамхўрлик, омонатга хиёнат қилиш, ўғирлик, таъмағирлик, порахўрлик, ичкиликбозлик, бировни масхара қилиш, устидан кулиш, ғийбат, туқмат, чақимчилик, ёлғончилик обрўни тукиш, қотиллик, мунофиқлик, бевафолик, ўзгалар ҳаққига хиёнат қилиш, судхўрлик, жосуслик, бўҳтон, фитна ва бошқалар киреди.

Буларнинг айримлари ҳақида Ҳадиси шарифда келтирилган фикрлар ҳукмингизга ҳавола этилади:

- Фитнадан қазар қилмоқ диндандир.

- Қуйидаги тўртта хислат кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлғайдир:

- а) омонатга хиёнат қилмоқ;

- б) сўзласа, ёлғон сўзлашлик;

- в) шартида турмаслик;

- г) кек сақлашлик ва ноҳақлик қилиш.

- "Билиб туриб ноҳақ ҳукм чиқарган қозининг жойи дўзахдир".

- "Кимки қалбакилик қилса, у биздан эмас".

- "Пора берувчи ва уни олувчи ҳам лаънатланади".

- "Агар сотувчи ўз молининг айбини яширмаса ҳамда олувчи пул беришда ғирромлик қилмаса бундай савдода барака бўлур".

- "Ростгўй ва тўғри савдогарлар қиёматда пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлади".

- "Бир-бирингизни ғийбат қилманг, ғийбатчи жаннатга кирмағайдур".

- "Чақимчилик энг катта гуноҳлардандир". "Гап ташиб юргувчилар, кишилар қалбига наштар урувчи, уларни таҳқирловчи ва бадном қилувчи ҳар бир туҳмат, бўҳтон ва мазаҳлари учун ҳоллари вой бўлғай".

- "Ўғри айни вақтда мўмин бўла олмайди, чунки ул ўғрилик қилаётганида иймонидан ажрағайдир".

- "Хиёнат ва маккорлик билан эришилган мол-мулк ҳаромдур".

- "Набиздан (ичкиликбозликдан) сақланинглари, чунки у барча ёмонликларнинг калити".

Ичкиликбозликнинг қандай оқибатларга олиб келиши кундалик ҳаётимиздан ҳаммага маълум.

Афсуски, спиртли ичимлик истеъмол қилиш турмуш

тарзига айланиб бормоқда. Агар шу нарса бўлмаса, ҳатто сўйган қўй ҳам ҳисобга ўтмайди. Мезбонни хасисликда, ҳақиқий эркак эмасликда айблашади.

Ёшларга бу хусусда қуйидаги насиҳатни берсак, ёмон бўлмас:

- Руҳим доимо пок, танам соғлом, рўзгорим бут, оиламда тинчлик, ҳузур-ҳаловат бўлсин десангиз ичкиликка ўрганманг.

- Бу ёмон одатга ўрганмасликнинг энг мақбул йўли – бу ҳозирданоқ дилингизда "мен ҳеч қачон ичмаслигим керак" деб такрорлаб юришингиздир.

- Ичувчилар даврасига тушиб қолганингизда ҳам уларнинг узатган қадаҳларини рад этишга ўзингизда куч-қувват топинг.

- Агар озми-кўпми ичкиликка ўрганиб бораётган бўлсангиз дарҳол уни истёсмол қилишни тўхтатишга ҳаракат қилинг. Иродали одам бунга қодирдир.

Қизларимизга айтадиган гапимиз шуки, умрингизда асло спиртли ичимликни оғзингизга ола кўрманг, ундан ҳазар қилинг. Пияниста қизлар, аёллар борлигини яхши биласиз. Уларнинг тақдири нима кечаётганлиги ҳақида газетада ўқигансиз, ойнаи жаҳонда кўргансиз. Ундан хулоса чиқаринг.

Пияниста қиз (аёл) – бу келажакда туғиладиган боланинг ва аёл кишининг бахтига тажовуз қилувчи мудҳиш куч эканлигини асло унутманг.

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ:

Ичкилик кишига тўрт ҳайвон сифатини ато қилади:

- Биринчи қадаҳни кўтаргач одамнинг юзларига қон югуради, у товусдек товланади, ҳаракатлари ҳам сипо бўлади.

- Иккинчи қадаҳни кўтаргач, у маймундек қийшанглайди. Энди ўзини ҳам, бошқаларни ҳам масхара қила бошлайди.

- Учинчи қадаҳ сипқорилгач, у энди шерга айланади. Ўз кучига ишонади, ҳеч кимни назар-писанд қилмайди, жан-жалкашга айланади.

- Тўртинчи қадаҳдан сўнг у энди тўнғиздек ифлосланади, балчиққа ботиб ётишни ўзига бир фазилат деб билади.

"Ичмаслик – бу ўчоққа-ўтин, қозонга-гушт, дастурхонга-нон, давлатга-даромад, ҳамёнга-пул, баданга-куч, устга-кийимбош, мияга-ақл, оилага-фаровонлик бахш этишдир", – деган эди АҚШнинг собиқ президенти Бенжамин Франклин.

2. Юқорида ҳаром ҳақида айтилганлардан хулоса шуки,

инсон ҳалол яшамоғи лозим. Айнан шу ҳалоллик дунёни ушлаб турибди, дейиш мумкин.

• Шунинг учун ҳам Ҳадиси шарифда ҳалоллик, ҳалол яшаш улуғланади:

• "Ҳалоллик йўқолиб кетганда қиёмат бўлмоғин кутавергин!"

• "Ҳаром нарсалардан қоч, энг ибодатли одамлардан бўласан".

• "Аллоҳ тақсим қилган ризққа рози бўл – энг бой одам бўласан".

• "Кишининг Исломга яхши эътиқод қилганлигининг белгиси унинг тегишли бўлмаган ишларга аралашмаслигидур".

• "Кимки ҳалол еб-ичса, суннатга мувофиқ амал қилса, одамларга зарар етказмаса жаннатга киради".

• "Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам равшан баён этилган. Лекин иккисининг орасида шубҳалик нарсалар борки, кўп одам унинг ҳалол ёки ҳаром эканлигини билмайди. Кимки бу шубҳалик нарсалардан узоқ бўлиб, дини ва обрусини сақласа, саломат қолгай".

• Расулulloҳдан топилдиқ ҳақида сўрадилар. Расулulloҳ жавоб берди: "Бир йил давомида эълон қил, агар эгаси топилса топшир. Эгаси топилмаса ҳамённинг боғлағичи ва қопқоғини, пулининг қанчалигини эълон қил. Унда ҳам эгаси топилмаса, ундан ўзингча сарф қил. Агар эгаси топилса тўлиқ равишда топшир".

Хўш, бу амалларнинг, кўрсатмаларнинг бирортаси бизнинг бугунги кунимизда ўз аҳамиятини йўқотганми?

Ҳалол билан ҳаромни фарқлаган, унга амал қилиб ўз насибасини ҳалоллаб еган, ҳалол ишларга амал қилган одамгина пок инсон бўлиб, эл ичида эътиборли бўлади.

Болаликдан бошлаб ҳалол ва ҳаромнинг фарқига етиб, ота-боболаримизнинг, устозларнинг панду насиҳатларига амал қилмоқ учун ҳеч қачон ва ҳеч қаерда бировнинг нарсасига бечўроқ тегмаслик керак. Бу тартибга ўз оила аъзоларимиз ўртасида ҳам амал қилишимиз шарт.

РИВОЯТ

Бир улуғ қозикалон ўтган экан. Унинг бир ҳалол, пок боғбони бўлган экан. Кунлардан бир куни қозикалоннинг уйига нуфузли меҳмонлар ташриф буюришипти. Қози боғбонини чақириб, боғдан мевалар узиб келишини буюрибди. Дастурхон тўкин, кўзни қамаштирувчи ҳар хил мевалар.

Меҳмонлар ҳам боғбонга тан беришибди. Бироқ анорни емоқчи бўлсалар, у нордон чиқибди. Қози меҳмонлар олдида хижолат бўлибди-да, боғбонини чақириб, уни койиб кетибди.

Шунда боғбон узр айтиб, дебди:

— Ҳожам, менга боғда ишлашни буюргансиз. Мевалардан еб юравер демагансиз.

Шунинг учун ҳам мен боғингизни қўлимдан келганича парвариш қилдим, лекин бирорта ҳам мевангиздан еб кўрган им йўқ.

Боғбоннинг жавобидан меҳмонлар ҳам ҳайратга тушибдилар. Ҳар бири шундай боғбонга эга бўлишини орзу қилибдилар.

Қози эса шундай ҳалол одамни қўлдан чиқаргиси келмай уни ўзига куёв қилиб олган экан.

Эҳтимол қуйидаги байт ана шу боғбондай ҳалол кишилар ҳақида битилгандир:

Тоза тутиб ниятингни,
Асрасанг ҳамиятингни,
Муродлар муроди сенга,
Аждодлар қаноти сенга.

Хуллас, ҳалолликка чорлаш бу маънавиятга даъват демакдир.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. "Ҳалол" тушунчасининг мазмунини таърифлаб беринг.
2. "Ҳаром" тушунчасининг мазмунини таърифлаб беринг ва ҳаётдан мисоллар келтиринг.
3. Вақтли матбуот материаллари асосида ҳалол ва ҳаром ишларга оид ахборот тўпланг.
4. Ҳаётимизда ҳалоллик тамойили устивор бўлиши сизнингча нималарга боғлиқлиги ҳақида реферат тайёрланг.

11-ДАРС. ШАРМ-ҲАЁ ИНСОН КЎРКИДИР

РЕЖА:

1. Ҳадиси шарифда шарму ҳаё ҳақидаги битиклар.
2. Аёл — шарм-ҳаё рамзи.

1. Шарм-ҳаё — уят, уялиш деган маъноларни англатади. Бундай фазилатсиз бирор ахлоқий меъёрнинг амал қилиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам шарм-ҳаё инсондаги ахлоқ-

одоб фазилатларининг улуғидир. Айни пайтда, кенгроқ маънода шарм-ҳаё дейилганда нафсни тийиш, ёмонликни тарк этиш, беҳаёлардан узоқ юриш, ўз номуси ва шарафини сақлаш каби фазилатлар тушунилади. Шарм-ҳаё инсон бе-зағи, зийнати, комил хулққа эга бўлган киши руҳининг тафаккури, маънавий тимсоли.

Шунинг учун ҳам Ҳадиси шарифда бу фазилатга кенг ўрин берилган:

- "Ҳаё иймондандур, иймон эса жаннатга элтади".

- "Ҳаё билан иймон бир-бирига боғлиқ, бири кетса, иккинчиси ҳам кетади".

- "Аллоҳ таолодан ҳақиқий ҳаё билан ҳаё қилинглари".

- "Аллоҳдан ҳақиқий равишда ҳаё қилиш бу – бошни ва унинг ичидаги онг ва тушунчани, қоринни ва унинг ичидаги, яъни қалбни сақлаб ҳаё қилиш, ўлимни ўйлаш. Кимки охиратни ўйласа дунёнинг ҳавойи ҳавасини ташлайди, кимки шу амалларни қилса, Аллоҳдан ҳақиқий равишда ҳаё қилган бўлади".

- "Виқор ҳам, вазминлик ҳам ҳаё билан боғлиқдир".

- "Беҳаё эрсанг истаганингни қил".

- "Иймон, ҳаё, вафо, ростгўйлик, ҳалоллик, поклик каби фазилатлар мўмин одамнинг умр бўйи тукилмайдиган баргларидир".

- "Ҳаё бор жойда яхшилик бор".

Юқорида келтирилган ҳадислар мағзидан чиқариладиган хулосалар яна шулардан иборатки, шарм-ҳаё инсон қалбида, туйғусида, ташқи кўринишида намоён бўлувчи, иффат ва на-зокатини оширувчи ақл-фаросат гулшанининг тоза гулидир.

2. Маълумки, қадим-қадимдан аёл – шарм-ҳаё рамзи сифатида қадрланиб келинади.

РИВОЯТ

"Ўлимга маҳкум этилганлар орасида бир аёл киши ҳам бўлган эди. Уларни ўлимга олиб кетишаётганида ҳалиги аёл вўлда соқчилардан ип ва нина беришларини сўрабди.

Соқчи сўрабди:

– Нима қиласан ипу нинани?

Аёл:

– Тиззамнинг ёнидан чоки сўкилибди, шуни тикиб қўяй.

Соқчи:

– Ахир сен ҳозир ўласан-ку, тикиб нима қиласан?

Аёл:

– Мен аёлман, шарм-ҳаёмни сақлай. Ўлим сари кетаётган бўлсам ҳам, номусим ҳаққи, ҳалойиқ олдиға аёлдек чиқишим керак”.

Ҳаёли аёл оиласининг номуси, эрининг ҳузур-ҳаловати. Фарзандларининг меҳрибони, қайнонасининг суюкли келини, хонадон равнақи. Чунки ҳаёли аёл оила аъзоларини тушунади, саранжом-саришталик билан иш олиб боради. Оилавий ҳаётнинг аччиқ-чучукларига чидаб, меҳр ва ишонч билан яшайди. Бундай аёллар ҳақли равишда ҳаёли, вафодор деб тан олинади.

Ҳаё – бу меросий фазилат. Асрлар оша бу фазилат оналардан қизларга ўтиб келмоқда.

Ҳаёли аёллар айни пайтда ростгўй, ширин сўз бўладилар. Яхшиликка яхшилик қайтарадилар, ўз ёрига вафодор бўладилар, оиланинг шаънини ҳимоя қиладилар, унга доғ туширмайдилар.

Шарм-ҳаё яна – бу ўзгаларга озор бермаслик, бировдан айб-нуқсон изламаслик, бировнинг айбини юзига солмаслик, ҳар бир ишни уйлаб амалга оширмоқлик ҳам демакдир.

Севимли шоирамиз Э.Охунова ҳаёни улуғлаб бундай деб ёзган эдилар:

Ҳаё...
Мен бу сўзга
Тош қўяман юрагимнинг
оғриқларидан
Ва асрайман уни
Қора кўзим қароғларида.
Ҳаё...
Очилмаган гул ул
Назокатнинг
Қўриқларида.
Ҳаё – юрагимнинг энг тўрида
Энг мусаффо
Варақларида.
Ҳар нарсадан баланд,
Ҳар нарсадан қиммат
ул кўзларнинг нури, гавҳари.
Қай аёлни тарк этса иффат,
Соврилибди, демак, баҳори.

Ҳа, ҳаё – бу поклик, сабр-бардош, қаноат, одоб, ихлосдир. Аёл кишидан ҳаё кетса, оилада файз бўлмайди.

Нафс балосига берилиб номусини, қадрини унутган ёш қизларнинг бузуқлик қилишлари, ёш йигитларнинг эса қабоҳат ишларига боришлари ташвишли ҳолдир.

Исломда зино, фоҳишалик қаттиқ қораланади.

Ҳадиси шарифни варақлар экансиз, қўзингиз қўйидаги сатрларга тушади:

- Зинокорлик қашшоқлик келтиради.

- Зино қилғувчи банда мўмини комил бўлолмайди.

- Ё, Расулуллоҳ, энг оғир гуноҳ қайсидир? Расулуллоҳ: “Ўзингни яратган Аллоҳ таолога ширк келтирмоқликдир”. Яна қайсидир? Расулуллоҳ: “Қўшинининг жуфти ҳалоли билан зино қилмоқликдир”.

Шарм-ҳаёсиз аёл ва эркакларни жамоатчилик лаънатлайди.

Абдулла Авлониё айтганларидек: “Ҳаё дилни равшан қиладурган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шу маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир. Ифбатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир”.

Таниқли шоир, ёзувчи, адабиётшунос олим Сафо Очил қизларимизга қўйидагича насиҳат қиладилар:

– Эй, қизлар, Аллоҳ сизни пок-беғубор, ор-номусли қилиб яратди. Эс-ҳушингизни, ўзлигингизни билганингизча, ифбат гулшанида ўзи асрайди.

Ўзлигингизни билганингиздан кейин, номус нелигини англаганингиздан сўнг худо берган шарму ҳаёни бой бермангиз. Шайтон йўлига кириб, у берган қуруқ ваъдаларга ишониб, ифбат, ор-номус, шарму ҳаё бустонидан чиқиб, бетамизлик ниналарини қайраб турган чангалзорга кирмангиз. Дунёдан бадбахт бўлиб ўтманг, эй, ҳурлиқо қизлар”.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Шарм-ҳаё ҳақида билиб олганларингизни қогозга тушининг.
2. “Ҳаё иймондандир” ҳадисининг мазмунини изоҳлаб беринг.
3. “Аёл – ҳаё рамзи” иборасини сиз қандай тушунасиз?
4. “Ҳаё – инсон кўрки” мавзусида иншо ёзинг.

12-дарс: ИЛМГА ИНТИЛМОҚ ФАРЗДИР

РЕЖА:

1. Ҳадиси шариф илм, илм олмоқ ва уни бошқаларга ўргатмоқ зарурлиги ҳақида.
2. Илм бугунги кунда.

1. Илм бу ўқимоқ, ёзмоқни билмоқ, ҳар бир керакли нарсаларни ўрганмоқликдир. Илм дунёнинг иззати. У инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилат. Зероки, илм инсонларга ўзининг ўтмишини, бугунги кунини тушунтириб беради, келажакнинг истиқболини, тараққиёт учун тўғри йўлни белгилаб беради.

Илмсиз инсон мевасиз дарахтга ўхшайди.

Илм инсонларни жаҳолат қоронғулигидан қутқаради.

Маданият инсонга маърифат дунёсини танитади. Инсонларни ёмон феъллардан, бузуқ ишлардан қайтаради.

Ҳадиси шарифда илм, илм олмоқлик ҳақида қуйидаги жуда ажойиб битикларни ўқиймиз:

• "Бешиқдан то қабргача илм ўрган".

• "Илм талаб қилишлик ҳар бир мусулмон учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади".

• "Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхшидир, бир кунлик дарс олиш эса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир".

• "Илмга нисбатан гуё чўпон каби посбон бўлишлар".

• "Илмни ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гуёки молу дунёни йиғиб, уни сарф қилмай кўмиб қўйиш билан баробардир".

• "Гарчи Чину Мочинда (Хитойда) бўлса ҳам илмни изланглар".

• "Илм эгалланг! – Илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғиз дамларда йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мададкор, одамлар орасида – зебу зийнат, душманларга қарши курашда қуролидир".

• "Илм олмоққа интилиш ҳар бир муслим, муслима учун қарзу фарздир".

• "Кимки илм истаб қадам қўйса Аллоҳ таоло унга жаннат йўлини осон қилгайдур".

• Бошлиқ бўлмасингиздан аввал илмни чуқур ўрганинг!"

- "Уялган киши илм ололмайдур".
- "Икки нарсадан ўзгасига ҳасад қилмоқлик жоиз эмас, бири – кишига Аллоҳ таоло ҳалол мол-дунё берса-ю, уни Ҳақ йўлида сарфлаётган бўлса, иккинчиси – кишига Аллоҳ таоло илму ҳикмат ато этса-ю, у шу илмига асосан ҳукм чиқараётган ва одамларга билганини ўргатаётган бўлса".
- "Илмнинг фойдаси очкузлик билан олтин-кумуш тўплаш учун бўлмай, балки у орқали инсон учун фойдали нарсаларга эга бўлишдир".

РИВОЯТ

Илм бойликдан устундир

Қадим замонда Мисрда ака-ука яшар эканлар. Бири илм ўрганди, бири эса бойлик орттирди. Илм ўрганган ака ўз замонасининг энг буюк олими бўлди. Бойлик тўплаган ука эса Мисрнинг энг бадавлат кишиси бўлди. Бой ука фақир бўлиб қолган илмли акасини менсимасди, уни доимо камситарди:

— Мен бой бўлдим. Сен эса фақир ва йўқсилсан.

Акаси деди:

—Эй, ўзини билмаган қардошим! Тушунмасдан оғзингга келган сўзни гапирма! Мен Жаноби Ҳаққа қанча шукроналар қилсам арзийди. Менинг назаримда илмдан буюк, фазилатлироқ бошқа нарса йўқдир. Сен эса Фиръавннинг, Хомоннинг ва Қоруннинг меросига эга бўлдинг. Сен мол тўпладинг. "Молимнинг бошида чўпонлик қилайин, қўриқлайин", деб умринг бесамар кетди. Ўлганингдан кейин ҳатто эски сополни ҳам олиб кета олмайсан.

Мен оёқ остида чирқираган бир қушча каби хоксорман. Сен эса итнанг билан ҳаммани чақадиган, озор берадиган қизил қовоқ ари кабисан. Менга инсонларга азоб берадиган қувват бермагани учун Жаноби Ҳаққа қанчалар шукрона қилсам камдир.

2. Барча фозиллар илмни улуғлаб келганлар, ўзлари эса унинг сарчашмаларидан бақраманд бўлишга интилганлар. Туроннинг буюк алломалари – Фаробий, Кошғарий, Абу-Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Юғнакий, Фарғоний, Амир Темур, Улуғбек, Бобур Мирзо, Навоий ва бошқа муборақ зотларнинг ҳаёт йўли бу фикримизнинг далилидир. Ул зотлар илмнинг чуқ-

қисига эсонликча чиққан эмаслар. Чунки илм-фанда тўппа-тўғри йўл бўлмайди. Илм-фаннинг метин қояларига машаққатдан қўрқмай тирмашиб чиққан кишиларгина унинг нурилу чўққиларини забт этишлари мумкин.

Илм киши зеҳнини ўткир қилади. Илмсиз инсон мевасиз дарахтга ўхшайди. Илм эса дарахт меваси сингари ҳар бир шахсга озуқа беради.

Кишилиқ жамияти ҳаётидаги муаммоларни ҳал этишнинг тўғри йўлини кўрсатувчи йўлчи юлдуз – бу илмдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон раҳбарияти жамиятимиз тараққиёти учун илмли инсонларнинг нечоғлиқ зарур эканлигини назарда тутиб, 1997 йилда "Таълим тўғрисида"ги янги Қонун ва айни пайтда бу қонуннинг амалда ижро этилишини таъминлашга хизмат қилувчи "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" қабул қилинди. Бугунги кунда мазкур Қонун ва Миллий дастурни бажариш йўлида саъйиҳаракатлар қилинмоқда.

Ҳадиси шарифда илм олмоқ учун дунё кезиш зарурлиги масаласи ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбекистон ёшларининг чет элларда билим олаётганлиги Ҳадиси шариф кўрсатмаларининг бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини қайта топгани ифодасидир. Ўзбекистон Президенти ва ҳукумат эса ёшларнинг чет элларда таълим олишига хизмат қилувчи "Умид" жамғармасини ташкил этганлиги келажак авлоднинг билим савиясини кўтариш йўлида нечоғлиқ хайрли ҳаракатлар қилаётганини кўрсатади.

ҲИҚМАТЛАР

• Бор илми ва билимини ёзиб қолдирган олим авлодлар ҳурматиға сазовордир.

• Одамларни қул қилиш, давлатларни босиб олиш мумкин, лекин кишиларни илмдан маҳрум қилишға ҳеч кимнинг қучи етмайди.

• Олиму фузалолари, шоири донолари бор халқ ниҳоятда бахтлидир.

• Инсонларни илмдан баҳраманд қилиш савоб ишдир. Демак, кимки китоб чиқариш йўлида риёзат чекса, у жаннатидир.

• Ҳаёт ва турмуш китобини ўқиш ва ундан олинган сабоқларни ўзига тадбиқ этиш саодатдир.

• Илмларнинг энг терани ва энг улуғи халқни ўзига эргаштиришга, душманни дўст қилишга қодирдир.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ҳайлаб кўринг, нима учун "Таълим тўғрисида" янги қонун қабул қилинди?
2. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг мазмунини сўзлаб беринг.
3. Мажбурий 12 йиллик таълим жорий этилишидан кўзланган мақсад нима?

АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. И.А. Каримов. Республика Олий Мажлисининг XI сессиясида сўзлаган нутқи. "Халқ сўзи", 1998 йил 5 май.
2. И.А. Каримов. "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура". Тошкент. "Ўзбекистон", 84-бет.
3. И.А. Каримов. "Ўзбекистон ХХI асрга интиломоқда". Тошкент. "Ўзбекистон". 1999.
4. И.А. Каримов. "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда". Тошкент. "Ўзбекистон". 1999.
5. И.А. Каримов. "Ҳушёрликка даъват". "Маърифат" газетаси, 1999 йил 24 июн.
6. Қуръони Карим. Тошкент. "Чулпон". 1992.
7. Имом ал-Бухорий. Ҳадис (1-4-жилдлар), Тошкент. Қомуслар Бош таҳририяти, 1991-1997.
8. Имом ал-Бухорий. "Ал-Адаб ал-Муфрад". ("Адаб дурдоналари"). Тошкент. "Ўзбекистон", 1990.
9. Имом Абу Исо ат-Термизий. "Саҳиҳи Термизий". (Танланган ҳадислар.) Тошкент, 1993.
10. О. Алимардонова, К.Назаров. "Ҳаёт ва турмуш одоби". Тошкент, "Шарқ", 1996.
11. Б.Аминов, Т.Расулов. Тошкент, "Ватан юракдаги жавоҳир". Тошкент. "Ўқитувчи", 1996.
12. У. Жўраев, Й. Саиджонов. "Дунё динлари тарихи". Тошкент, "Шарқ", 1998.
13. А. Иброҳимов ва бошқалар. "Ватан туйғуси". Тошкент, "Шарқ" 1996.
14. У. Маҳмамов. "Ахлоқ-одоб сабоқлари", Тошкент, "Фан", 1994.
15. Сафо Очил, "Инсон зийнати одобдур", Тошкент, "Ўқитувчи", 1996.
16. У. Уватов. "Донолардан сабоқлар", Тошкент, "Ўқитувчи", 1994.
17. И. Усмонов. "Одобни ҳаётдан ўргандим", Тошкент, "Ўқитувчи", 1995.

МУНДАРИЖА

Кириш ("Ҳадис илми сабоқлари" курсининг мақсад ва вазифалари)	3
"Ҳадис илми сабоқлари" курсининг ўқув режаси	6
"Ҳадис илми сабоқлари" курсини умумтаълим ва янги турдаги мактабларда ўрганиш бўйича дастур	7
1-дарс. Кириш	9
2-дарс. Ҳадисларнинг яратилиши ва тарбиявий аҳамияти	9
3-дарс. Ўрта Осиё ҳадисшунослик мактаби	12
4-дарс. Ватандошларимиз—буюк муҳаддис алломалар	16
5-дарс. Ватанин севмоқ иймондандир	24
6-дарс. Ота-она кўнглини оғритмоқ энг катта гуноҳдир	29
7-дарс. Оила муҳаддасдир	35
8-дарс. Ҳадиси шариф одамийлик ҳақида	40
9-дарс. Дўстлик, дўстларга садоқат ҳақида	44
10-дарс. Ҳалол яшамоқ иймондандир	50
11-дарс. Шарм-ҳаё инсон кўркидир	54
12-дарс. Илмга интилмоқ фарздир	58

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Ўқув қўлланма

А. Мансуров, У. Жўраев, М. Лафасов
(Ўқис илми сабоқлари)

**Умумтаълим ва янги турдаги мактаблар ўқувчилари учун
ўқув қўлланмаси**

Муҳаррир Жонибек Субҳон

Расом А. Бобров
Расмлар муҳаррири А. Кива
Техн. муҳаррир Т. Смирнова
Мусахрих М. Насриддинова

ИБ N 3722

Босмахонага берилди. 29.07.99. Босишга рухсат этилди 20.08.99.
Бичими 84x108 1/32 1-нав босмахона қоғози. Таймс гарнитураси. Офсет
босма. 3,36 шартли босма тобоқ. 4,0 нашр босма тобоғи. 2-завод. 10000 нус-
ха. 1023 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида. 37-99 рақамли шарт-
нома.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ғафур Ғулом
номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент. Навоий кўчаси,
30 уй.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахо-
насида босилди. 700002. Тошкент. Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.